



47
(1365)-son
23-noyabr
2018

Xabar

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI AXBOROT TEXNOLOGIYALARI VA KOMMUNIKATSIYALARINI RIVOJLANTIRISH VAZIRLIGI NASHRI

1992-yil martdan chiqa boshlagan www.xabar.uz

УШБУ СОНДА:

АКТ ВАЗИРЛИГИ ХУЗУРИДАГИ ИНСПЕКЦИЯ ВА МАРКАЗ ТУГАТИЛДИ

Уларнинг ўрнига мустақил инспекция ва икки марказ ташкил этиладиган бўлди **2-бет**

АНЖУМАН

АКТ соҳасида ахборот ва киберхавфсизлик муаммолари **3-бет**

ИНТЕРАКТИВНЫЕ УСЛУГИ

23 новых услуг на ЕПИГУ в третьем квартале текущего года **6-стр.**

МУАЛЛАҚ ТУРГАН САВОЛ: "Экспресс-ўрганиш" текширувнинг янги турими? **8-бет**

ҒАЛАБАГА УНДОВЧИ КИТОБ Ичимиздаги энг ёвуз душман **10-бет**

КРИПТОВАЛЮТАЛАР Биткоинлар арзонлашмоқда **12-бет**

МУТОЛАА Зуриёт (ҳикоя) **14-бет**

ЎЗБЕКИСТОНДА ИНТЕРНЕТ ТЕЗЛИГИ


(2018 йил, октябр)

Мобил интернет —
9,73 МБИТ/С.
(жаҳонда 110-ўринда)

Оптик толали интернет —
9,28 МБИТ/С.
(жаҳонда — 112-ўринда)

Мобил интернет тезлиги
Норвегия, Исландия, Сингапур, Канада ва Австралияда,
оптик толали интернет
тезлиги Сингапур, Исландия,
Гонконг, Руминия ва Жанубий
Кореяда энг юқори.

Speedtest Global Index



Фаррух АЗИМОВ:

СТАРТАП ОДАМЛАРДАГИ БОР ВА ЕЧИМИНИ ТОПМАГАН МУАММОЛАР

ёки қондирилмаган талабдан келиб чиқади

Юртимизда АКТ соҳаси тараққиётида стартап ташаббуслари ва ўз стартап лойиҳаларини олиб чиқаётган ёшларнинг ўрни бўлак. Масалан, бугунги суҳбатдошимиз — OylikUz стартап-лойиҳасининг асосчиларидан бири Фаррух АЗИМОВ.

4-5-бетлар ▶

СЕМИНАР

ЎЗБЕКИСТОН: “ҒАЗОВИЙ ДАВЛАТЛАР” САРИ ИЛК ҚАДАМ

Ҳозирда республика иқтисодиётининг барча соҳаларида ахборот-коммуникация технологиялари, интернет ва энг замонавий “ноу-хау”ларни кенг жорий этиш Ўзбекистоннинг барқарор ривожланишини таъминлашнинг энг муҳим шarti бўлиб турибди. Бугун улар сафига космик фаолиятни ривожлантириш, сунъий йўлдош алоқа тизими имкониятларидан самарали фойдаланиш каби вазифалар ҳам кўшилган. Жорий йилнинг февралда Президент Шавкат Мирзиёев “Ўзбекистонда космик тадқиқотлар ва технологияларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармойишни имзолагани, мамлакатимизда космик фаолиятни ривожлантириш тўғрисидаги муҳим ҳужжат лойиҳаси жамоатчилик муҳокамасига қўйилгани бежиз эмас.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимиз космик тадқиқотлар ва технологияларни ривожлантириш учун амалий тажриба, интеллектуал ресурслар ва базавий космик инфратузилмаларга эга. Жамоатчилик муҳокамасига қўйилган лойиҳада белгиланишича, Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида ташкил этилиши режалаштирилган Космик тадқиқотлар ва технологиялар агентлиги соҳани назорат қилади. Агентлик космик

соҳани ривожлантириш ва ундан фойдаланиш жабҳасида ягона давлат сиёсати ва стратегик йўналшларни ишлаб чиқиш ва амалга татбиқ этишга жавобгар ҳисобланган давлат бошқарув органи бўлади. “Ўзбеккосмос” агентлиги ҳузурида Илмий-техник ва экспертлик кенгашини ташкил этиш режалаштирилмоқда. Кенгаш таркибидан қатор масъул муассасалар қаторида Ахборот технологиялари ва

коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги вакиллари ҳам ўрин олади. Бундан ташқари, 2019 йил 1 сентябрга қадар Тошкент ахборот технологиялари университетида “Амалий космик технологиялар” кафедраси ташкил этилади. Кўрииб турибдики, АКТ вазирлиги мамлакатимизда космик ва сунъий йўлдошли алоқа фаолиятини ривожлантириш борасида масъул муассасалар сирасига киритилган.



7-бет ▶



АКТ ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ ИНСПЕКЦИЯ ВА МАРКАЗ ТУГАТИЛДИ

Уларнинг ўрнига мустақил инспекция ва икки марказ ташкил этилаётган бўлди



► **Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жойларда ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, амалга ошириётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан яқиндан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида 15-16 ноябр кунлари Қорақалпоғистон Республикасида бўлди.**

► **Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 19 ноябр куни конгрессмен Трент Келли бошчилигидаги АҚШ Конгресси делегациясини қабул қилди. Учрашувда икки томонлама муносабатларга доир, шунингдек, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар кўриб чиқилди.**

► **2018 йилнинг 19 ноябр куни Бери шаҳрида Ўзбекистон-Швейцария сиёсий маслаҳатлашувларининг бешинчи раунди бўлиб ўтди. Музокараларда сиёсий, иқтисодий, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги икки томонлама ҳамкорлик ҳолати ва уни фойдалаштиришнинг истиқболли йўналишлари муҳокама қилинди.**

► **Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 20 ноябр куни нефть-газ саноатидаги ишлар ҳолатини муҳокама қилиш ва соҳани янада ривожлантириш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказди.**

► **Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 20 ноябр куни пойтахтимиздаги "Toshkent City" халқаро ишбилармонлик маркази ҳудудида барпо этилаётган замонавий ишоотлар қурилиши билан танишди.**

► **Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 21 ноябр куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош қотибининг ўринбосари, ташкилотнинг Женева шаҳридаги бўлинмаси бош директори Майкл Мёллери қабул қилди. Учрашувда Ўзбекистон Республикаси ва БМТнинг икки томонлама ҳамкорлигини ривожлантириш истиқболлари, шунингдек, халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар муҳокама қилинди.**

► **Самарқандда жорий йил 22-23 ноябр кунлари Инсон ҳуқуқлари бўйича Осиё форуми ўтказилмоқда. Президент Шавкат Мирзиёев форумнинг барча иштирокчилари ва меҳмонларига табрик йўллади.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ахборот технологиялари ва коммуникацияларининг жорий этилишини назорат қилиш, уларни ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори (2018 йил 21 ноябр) қабул қилинди.

Қарор билан Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳузуридаги Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида назорат бўйича инспекция тугатилиб, унинг ўрнига мустақил Ахборотлаштириш ва телекоммуникациялар соҳасида назорат бўйича давлат инспекцияси ташкил этилди.

Шунингдек, қарорга мувофиқ Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг Ахборот хавфсизлиги ва жамоат тартибини таъминлашга кўмаклашиш маркази ҳам тугатилиб, давлат унитар корхонаси шаклидаги Техник кўмаклашиш маркази ва "Хавфсиз шаҳар" жамоат тартибига кўмаклашиш маркази ташкил этилган бўлди.

Қарор билан янги инспекция ва марказнинг вазифалари белгиланди.

Давлат инспекциясининг асосий вазифаси почта алоқаси, ахборот технологиялари ва телекоммуникациялари хизматларининг сифатли тақдим этилиши, дав-

рий босма нашрлар, фонограммалар, аудиовизуал асарлар ва ЭҲМ учун дастур тарқатилишида истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлаш устидан давлат назоратини амалга ошириш ҳисобланади.

Интернет фойдаланувчиларини интернет тармоғи миллий сегментида ахборот хавфсизлигига пайдо бўлаётган таҳдидлар тўғрисида ўз вақтида хабардор қилиш, шунингдек, ахборотларни ҳимоя қилиш бўйича маслаҳат хизматлари кўрсатиш Техник кўмаклашиш марказининг асосий вазифаси сифатида қайд этилган.

"Хавфсиз шаҳар" жамоат тартибига кўмаклашиш марказининг вазифалари алоҳида қарор билан белгиланади.

Бундан ташқари, қарорга кўра 2019 йил 1 январдан:

■ ахборот-коммуникация технологиялари ва бошқа техник воситаларга техник топшириқлар бўйича хулосалар Марказ билан мажбурий тартибда келишланиди;

■ давлат органлари ва ташкилотларининг ахборотлаштириш объектларидаги (давлат сирлари бундан мустасно) аппарат воситалари ва дастурий маҳсулотлар мажбурий равишда Марказда аттестация ва экспертизадан ўтказилади.

ЯНГИЛИК

UMS КОМПАНИЯСИНИНГ ДАВЛАТ УЛУШИ ЯНГИ ЖАМҒАРМАГА БЕРИЛДИ

2018 йил 21 ноябр куни "Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш мақсадида рақамли инфратузилмани янада модернизация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Президенти

қарори эълон қилинди.

Қарорга кўра, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги рақамли иқтисодиётни жорий этиш ва ривожлантириш соҳасида ваколатли орган этиб белгиланди.

Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш соҳасидаги, шу жумладан, "блокчейн" технологияларини жорий этиш билан боғлиқ лойиҳаларни давлат-хусусий шериклик шартларида амалга ошириш учун инвесторларнинг маблағларини жалб этиш ва бирлаштириш асосий вазифаларидан бири ҳисобланган давлат муассасаси шаклидаги "Рақамли ишонч" рақамли иқтисодиётни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш жамғармаси (кейинги ўринларда —

Жамғарма) ташкил этилди.

Қарор асосида "Universal Mobile Systems" МЧЖ устав капиталдаги давлат улуши 100 фоиз миқдорда Жамғармага бегараз асосда берилди.

Шунингдек, UMS миллий оператори 2021 йил 1 декабрга қадар мuddатга телекоммуникация соҳасида фаолиятни амалга оширишга лицензия бериш учун давлат божи, радиочастоталар спектрини фойдаланиш учун тўлов, шунингдек, радиоэлектрон воситалардан фойдаланиш учун эксплуатация йиғими тўлашдан озод этилди.

Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Нукус кўчаси, 22-уй манзилида жойлашган бино операторни жойлаштириш учун хўжалик юртуви ҳуқуқи асосида Агентликка берилиши белгиланди.



АКТ СОҶАСИДА АХБОРОТ ВА КИБЕРХАВФСИЗЛИК МУАММОЛАРИ

“
Конференцияни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад — ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлашга янада кўпроқ эътибор қаратишдир.”



Жорий йилнинг 22-23 ноябр кунлари пойтахтдаги Халқаро бизнес марказида “Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасида ахборот ва киберхавфсизлик муаммолари” мавзусида илмий-амалий конференция ташкил этилди.

Конференциянинг очилишида Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазир Уринбосари Баҳромжон Олматов сўзга чиқди.

Бугунги кунда юртимизда ахборот хавфсизлиги ҳамда киберхавфсизликни таъминлаш масалаларига давлат даражасида алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, ахборот хавфсизлиги соҳасида ишлаб чиқилаётган ва такомиллаштирилаётган қонунлар ва қонуности ҳужжатлари бунга яққол мисол бўла олади.

Ахборот-коммуникация

технологияларини ривожлантириш ҳамда ушбу жараёнда шахс, жамият ва давлатнинг ахборот хавфсизлиги ҳамда киберхавфсизликни таъминлаш масалалари мамлакатнинг устувор стратегик ва умуммиллий вазифаси ҳисобланиб, давлат ва жамият томонидан ўзаро муштарак, биргаликда саъй-ҳаракатларни амалга оширилишини талаб этади. Вазирлик ва идоралар, корхона ва ташкилотлар, бизнес тузилмаларининг ахборот хавфсизлиги ҳамда киберхавфсизликни таъминлаш, мамлакатимизнинг миллий манфаатларига хизмат қилиш демакдир. Бу, айниқса, миллий хавфсизликка таҳдидлар ахборот макони ва муҳити орқали амалга оширилаётган бир паллада янада яққол намоён бўлади.

— Республика илмий-ама-

лий конференцияни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад: мамлакатимиз ва дунё миқёсида ахборот-коммуникация технологиялари жадал ривожланиб бораётган бир даврда, давлат ва ҳўжалик бошқаруви ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларида ахборот хавфсизлиги ҳамда киберхавфсизликни таъминлаш масалаларини янада кўпроқ эътибор қаратишдан иборат. — дейди вазирликнинг Ахборот хавфсизлиги бошқармаси бошлиғи Санжар Абдуганиев. — Шунингдек, мазкур йўналишнинг ўта долзарблиги инobatга олиниб, ахборот хавфсизлиги ҳамда киберхавфсизликни таъминлаш бўйича юзага келаётган муаммоларга ечим топиш, келгусида ушбу соҳани ривожлантиришга қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга оши-

ришда янгича ёндашувлар, механизмлар ҳўсусида ўзаро фикр алмашиш кўзда тутилган.

Конференцияда давлат ва ҳўжалик бошқаруви ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ахборот хавфсизлиги ҳўлати, киберхавфсизлик масалалари, ахборот тизимлари ва ресурсларини ахборот хавфсизлиги ҳўдисалари бўйича мониторинги ва серверларда ўрнатилган дастурий таъминотлардаги заифликлар тўғрисида автоматик огоҳлантириш тизими каби мавзуларда маърузалар тингланди.

Шунингдек, тадбир доирасида ахборот хавфсизлигини таъминлашга мўлжалланган маҳсулотлари билан Россия, Корея ва Исроил каби мамлакатлар компаниялари мутахассислари қатнашишди.

Ўз мухбиримиз

УЧРАШУВ

“ИЖОБИЙ” ВА “САЛБИЙ” БЛОГЕРЛИК

Таниқли блогердан ТАТУ талабалари учун мастер-класс

Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университетида юрист, актёр, таржимон ва блогер Отабек Маҳқамов меҳмон бўлди. Таниқли блогер бугуннинг долзарб мавзуси — блогерликнинг ижобий ва салбий томонлари ҳақида талабаларга сўзлаб берди.

Ёшларни кўпроқ билим олиш, китоб ўқиш, чет тилларини ўрганишга қорлаш мақсад қилинган ушбу тадбирда Отабек Маҳқамов блогерликнинг сир-асрорлари ва тартиб-қоидалари ҳақида берган маълумотлар талабалар томонидан катта қизиқиш билан қабул қилинди. Кўтарин-



ки руҳда ўтган учрашув баҳс-мунозаралар ва савол-жавобларга бой бўлди.

Зулфизар БОТИРОВА,
ТАТУ Ёшлар медиа гуруҳи раҳбари

ТАТУДА ORACLE АКАДЕМИЯСИ ОЧИЛДИ

Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университетида Oracle компанияси билан ҳамкорликда Oracle Academy очилди.

Академияда маълумотлар базалари, дастурлаш, Big data технологияларидан фойдаланиш, тармоқларда ишлаш, маълумотлар базалари хавфсизлиги бўйича бир неча курслар ташкил этилади.



ҲАМКОРЛИК

ҲИНДИСТОН АКТ ДЕЛЕГАЦИЯСИ САМАРҚАНДДА

Тошкент ахборот технологиялари университети Самарқанд филиалига Ҳиндистон электроника ва ахборот технологиялари вазирлиги департаменти директори Ражив Кумар, Ҳиндистон дастурий технологиялар парки жамияти бош директори Омкар Рай, Илғор компьютер технологияларини ривожлантириш маркази директори Навин Жайн ва бошқалардан иборат делегация ташриф буюрди.

Учрашувда ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида икки томонлама ҳамкорликнинг устувор йўналишлари муҳокама қилинди. Жумладан, Ўзбекистонда ахборот технологиялари парklarини яратиш ва ривожлантириш, ТАТУ ҳузурдаги Жавоҳарлаъл Неру номидаги Ўзбек-Ҳинд ахборот технологиялари маркази базасида Ҳиндистоннинг Илғор компьютер технологияларини ривожлантириш маркази (C-DAC) ўқув дастури бўйича ихтисослаштирилган малака ошириш курсларини йўлга қўйиш ва электрон ҳўкумат, ахборот технологиялари соҳасидаги бошқа муҳим йўналишлар бўйича фикр алмашилди.

Ҳиндистонда ҳўкуматнинг



АКТ соҳасидаги ташаббуслари, жумладан, темир йўлларни компьютерлаштириш, ер реконструкциясини компьютерлаштириш каби баъзи йирик лойиҳаларни ўз ичига олади. Дастлаб улар асосан ахборот тизимларини ривожлантиришга қаратилган эди. Эндиликда электрон бошқарув лойиҳалари фуқароларни электрон хизмат билан таъминлашга киришди.

Меҳмонлар ҳўзирда йўлга қўйилаётган New India, Digital India лойиҳалари ҳақида сўз юритиб, тажрибалари билан ўртоқлашишди.

Абдуғафур ҲОТАМОВ,
ТАТУ Самарқанд филиали
матбуот котиби

Фаррух АЗИМОВ: СТАРТАП ОДАМЛАРДАГИ БОР ВА ЕЧИМИНИ ТОПМАГАН МУАММОЛАР ёки қондирилмаган талабдан келиб чиқади

◀ 1-бет.



Фаррух Азимов 2007-2012 йилларда И.М.Губкин номидаги Россия Давлат университетининг Тошкент шаҳридаги филиалида таҳсил олган. Мутахассислиги — нефть ва газ конларини қидиришнинг геофизик усуллари. 2016-2018 йилларда Корпоратив бошқарув илмий таълим марказининг (ҳозирги Абу Райхон Бериуний номидаги Республика Бизнес ва бошқарув олий мактаби) "Бизнес бошқарув" йўналишидаги магистратура тингловчиси бўлган.

— Фаррух, хуш келибсиз! Бугун қандай лойиҳалар билан бандсиз?

— Айни пайтда "Ўзбекистон Республикасининг нефть ва газга бой Устюрт минтақасида геология-қидирув ишларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президент қарорига асосан Мўйноқда сейсмоқидирув ишларини олиб борувчи партияни бошқаряман. Сейсмоқидирув партиямиз "Ўзбекгеофизика" АЖга қарашли. Ташкилотимизнинг асосий мақсади Устюртда геофизик изланишларни олиб бориб, янги газ конларини очиб. Менинг асосий вазифаларим — партиянинг стратегиясини белгилаш, муҳандис-техник ходимларни бошқариш ва иш сифатини ва ҳажмини таъминлаш.

Сейсмоқидирув ишларидан ташқари, яна бир фаолиятим — OylikUz лойиҳасини шерикларим билан ривожлантириш. Беш кишилик бу жамоада менинг вазифам — молиявий бошқарув ва мижозлар билан ишлаш.

— OylikUz лойиҳасига баътафсилроқ тўхталиб ўтсангиз. Ҳозир қандай туғилди?

— Лойиҳа ғоясини дўстим ва ҳамкасбим Абдулла Рисбаев тақдир қилган. 2016 йилда иккаламиз ҳам битта ташкилотда (сейсмоқидирув партияда) Қашқадарё вилоятида муҳандис бўлиб ишлаганмиз. Менимча, ҳар қандай стартап ва умуман олганда, бизнес одамлардаги бор ва ечимини топмаган муаммолар ёки қондирилмаган талабдан келиб чиқади!

Хусусан, бизнинг лойиҳамиз — OylikUz ишлаётган ташкилотимизнинг ("Ўзбекгеофизика" АЖ) иш услубидан келиб чиққан муаммодан бошланган. Сейсмоқидирув партиялар марказий ташкилотнинг офисидан узоқ масофада — чўл, дала ва тоғларда иш олиб боришади. Ойлик тушган пайтда ходимларда савол туғилиши табиий. Масалан "Мукофот пули нега кам?", "Қанча солиқ ушланди?", "Оқладим" неча пул?". Бу саволларга жавобларни ҳисоб варақаларидан топса бўлади. Лекин масофа узоқ — ҳисобчилар бу варақаларни вақтида етказиб бера олмайдилар. Бундан ташқари, ҳисобчи ҳар ой мингта яқин ходимларнинг ойлигини чоп этиб, қоғозни кесиб, бўлимлар бўйича тарқатишга иш вақтини, қоғозни ва принтер ресурсини ишлатади. Хуллас, бир тарафдан ходимларда ойлик маош ҳақидаги маълумотдан қондирилмаган талаб бор. Иккинчи тарафдан — бухгалтерияда маълумотни етқа-



зиб бериш жараёнидаги муаммо. Худди шу бошогриқни ечиш учун дўстим сервер дастурини ва смартфон учун мобил иловани яратиш ғоясини тақдир қилди.

— Ҳозир амалиётга қандай кўчди?

— Лойиҳани амалга ошириш жараёни осон кечмади, аммо бу табиий ҳол. Чунки яхши ғоя — бу ҳали яхши бизнес эмас! Энг қийин ва машаққатли жараён мавҳум ғояни амалиётга таъбиқ қилиш, яъни ғоядан мижознинг эҳтиёжига жавоб берадиган тайёр маҳсулот ёки дастурни яратиш. Бунинг учун авваламбор жамоа тузиш, унинг ҳар бир аъзоси ғоянинг келажаги борлигига ишониши ва кичик жамоада энг асосий компетенцияларга эга иштирокчилар мавжуд бўлиши керак. Аммо бошида бу нарсалар ҳақида иккаламизда маълумот ҳам, бизнес-лоийҳани ривожлантириш тажрибаси ҳам йўқ эди.

— Лойиҳада яна кимлар бор? Жамоангиз ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз?

— Бошида уч киши эдик — мен, Абдулла Рисбаев ва яна бир дўстимиз, Губкин номидаги университетдаги курсларимиз — Азамат Малмусаев. Тўртбеш ой давомида лойиҳани амалга ошириш йўлларини қидирдик, турли компанияларга мурожаат қилдик, дастурни яратиш учун шартнома тузишга ҳаракат қилдик, лекин олдинга силжиш бўлмади.

— Бизнинг бахтимизга 2017 йилнинг бошида мен ўқитган Корпоратив бошқарув илмий таълим марказига Савло-саноат палатасининг вакили Усмон Раҳимжонов келиб қолди. Усмон ака "Стартап ташаббуслари" лойиҳаси ҳақида тингловчиларга маълумот бериб, уларни лой-

иҳада қатнашишга ундади. Мен фурсатни бой бермай, ўша кунидек дўстларимга кўнгироқ қилиб лойиҳада қатнашишни тақдир қилдим.

— "Стартап ташаббуслари" да голиб бўлган экансиз.

— "Стартап ташаббуслари" сайтыга (<http://startup.chamber.uz/>) жамоа ва лойиҳамиз ҳақида маълумот жўнатдик. Бир ойдан сўнг Усмон ака бизни суҳбатдан ўтказиб, лойиҳамизга кейинги босқичга йўлланма берди. Суҳбат жараёнида жамоа таркибига эътибор қаратишимизни маслаҳат берди, юқорида айтиб ўтганимдай, жамоадаги асосий компетенциялар ҳақида тушунча бериб, жамоага IT-мутахассисни жалб қилишни тавсия қилди. Бир неча кундан кейин жамоамизда 4-аъзо — яна бир дўстимиз Темур Отажонов пайдо бўлди. Кейинги босқичдан олдин иштирокчиларга тақдимот қилиш санъати (бу ҳақиқатан ҳам санъат экан) ҳақида Артур Пак-Вартанян тушунча берди ва жамоаларни бир ҳафта давомида тайёрлади. Иккинчи босқичда жамоалар ҳакамлар олдида лойиҳалари тақдимотини ўтказишди. Танлов натижасида 40га яқин жамоа 3-босқичга йўл олди. Ушбу босқичда икки ҳафта мобайнида жамоалар аъзолари учун тренинг ташкил қилинди. Тренингда стартапни ривожлантириш, ечилмаган муаммоларни топшиш, маҳсулот яратиш, бизнес гипотезаларини текшириш, бозорни ўрганиш ва олинган маълумотларни таҳлил қилиш, инвесторга лойиҳани тақдим қилиш ҳақида тажрибали мутахассислар ва бизнесменларнинг маърузаларини тингладик. Шундан сўнг жамоалар гуруҳларга бўлиниб, ҳар

бир гуруҳга трекерлар (устозлар) бириктириб қўйилди. Трекерлар (Алишер Юсупов ва Елена Селезнёва) назорати остида уч ой мобайнида лойиҳани ривожлантирдик, яъни биз уйлаган муаммо ҳақиқатан ҳам бор ва қондирилмаганлигига ишонч ҳосил қилдик. Бозор ҳажмини баҳоладик, тайёр маҳсулотни (Telegram мессенжерда бот ва сервер дастур) яратдик ва мижозларга тақдим қилдик, камчиликларини ўргандик. Шу уч ой бизга катта тажриба берди — мижозлар билан ишлаш, уларнинг муаммоларини тушуниш, ахборотни таҳлил қилиш, лойиҳани инвесторга тақдим қилишни ўргандик. Натижада 2017 йилнинг ноябр ойида бўлиб ўтган Demo дауда 12та жамоа орасида қатнашдик. Ушбу тадбир ҳам жуда катта тажриба берди, чунки 7 дақиқа ичида лойиҳа ғоясини тушунириб, унинг молиявий келажаги борлигига инвестор ёки партнёрларни ишонтира билиш керак. Бунинг учун лойиҳанинг яхши тушуниб, бозорни таҳлил қилиб, молиявий кўрсаткичларни ҳисоблаб, соҳадаги рақобатни ўрганиб, бозорга кириш харажатларини ва рискларини баҳолаб, шу асосда муштарак фикр юритишингиз керак. Муҳим жиҳатлардан бири — жамоанинг таркиби.

— Инвесторлар нимага кўпроқ эътибор қаратишади?

— Инвестор кўпинча лойиҳанинг ўзига эмас, жамоага пул тикади! Чунки айнан жамоа лойиҳани ғоядан тайёр маҳсулотга олиб боради. Жамоа яхшилигига ва унинг аъзолари керакли компетенцияларга эгаллигига инвесторда ишонч ҳосил қилишингиз керак.

— Ҳозирда OylikUz да қандай ангилдиклар бор?

— Ҳозир лойиҳамиз ривожланишда. Тўртта компания билан шартнома тузганмиз ва бу компаниялар ходимларига хизмат кўрсатяпти. Яна тўртта ташкилот билан музокара олиб бораёмиз. OylikUz тизимига автоматик тарзда СТИР рақами орқали улашни усулини битта ташкилотда синовдан ўтказяптимиз. Қашқадарё, Жиззах вилоятларида, Қорақалпоғистон ва Тошкент шаҳрида фаолият олиб бораёмиз. Жамоага яна битта IT-мутахассис олдик.

Telegramда OylikUz канали (t.me/oylikuz) ва интернет сайты (oylik.uz) бор. Мижозларнинг саволларига жавоб бериш ва техник ёрдам кўрсатиш учун телеграм ёки телефон орқали ҳар куни 24 соат алоқадамиз!

— **Стартапларни яратиш жараёнида ахборот технологияларнинг ўрни?**

— Стартап — бу янги, ривожланиш ва катта даромад олиб келиш потенциалига эга бизнес-модел. Ҳозирги кунда стартапларнинг кўпи IT-соҳага боғлиқ. Лекин бу соҳага боғлиқ бўлмаган бизнес-моделлар (масалан, янги асбоб-ускуналар, кимёвий моддалар, қишлоқ хўжалик соҳасида ва саноатдаги янги технологиялар) ҳам бозорни ўрганиш ва таҳлил қилиш жараёнида, албатта, ахборот технологиялардан фойдаланилади.

— **Ҳўш?..**

— Бизнеснинг молиявий салоҳиятини баҳолаш учун ҳам ахборот технологиялари керак. Бизнесни ривожлантириш даврида маркетинг ва реклама жуда катта аҳамиятга эга.

— **Айнан...**

— Мижозларни жалб қилиш учун энг асосий каналлардан бири — интернет-реклама ва ижтимоий тармоқлар. Булар ва умуман олганда, ахборот технологиялари бизга реклама қилиш учун аудиторияни саралаш, потенциал мижозга тўғридан-тўғри компания фаолияти ва хизматлари ҳақида маълумот етказиш ва рекламанинг таъсирини баҳолаш учун катта имконият яратди.

— **Ўзбекистонда стартаплар бозори қай ҳолатда? Ютуқ ва камчиликларимиз...**

— Стартап тушунчаси Ўзбекистонда нисбатан яқинда пайдо бўлди. Ривожланган давлатларда ҳар йили жуда кўп стартап лойиҳалар пайдо бўлади ва ривожланади. Менимча, стартаплар ривожланиши учун бир тарафдан, ишга чанқоқ, ақли, таваккал қилишга ва бизнес билан шугулланишга қобилиятли, ўзини аямасдан меҳнат қилишга шай ёшлар, иккинчи тарафдан, инфратузилма, яъни турли стартап акселераторлар, янги молиявий институтлар (венчур фондлар, crowdfunding), стартап тadbиркорлар ва инвесторларнинг муносабатларини тартибга солувчи ва уларнинг ҳуқуқларини ҳимояловчи қонуналар керак.

Биринчи компонент — қобилиятли ва меҳнатга чанқоқ ёшлар бизда бор.

Инфратузилма ҳақида гапирсак — назаримда, бу компонент ҳали етарли даражада ривожланмаган. Лекин охириги йилларда бу йўналишда ҳам яхши тенденцияни кузатиш мумкин. Масалан, “Стартап ташаббуслари” каби лойиҳалар, яқинда бўлиб ўтган “Глобал тadbиркорлик ҳафта” каби ёшларни тadbиркорлик фаолиятига жалб қилишга йўналтирилган тadbирлар амал оляпти. Бундан ташқари, солиқ тизимининг ўзгариши, инвестицион кодекс ва венчур молиялаштириш ҳақидаги қонун ҳужжатлари устида олиб борилаётган ишлар стартап лойиҳаларининг кўпайишига ва уларнинг сифатига ўз таъсирини кўрсатишидан умид қиламан.

— **Жаҳонда-чи?**

— Жаҳон тажрибасини олсак, энг яхши мисол — Исроил мамлакатиди. У ерда ҳар йили

минглаб стартап компаниялар фаолиятини бошлайди. Бунга сабаб — ахборот технологияларининг ривожланганлиги, йирик венчур фондлар ва тегишли қонунлар борлиги, стартапларга боғлиқ тadbирлар тез-тез ўтказилишидир. Умуман олганда, тараққий этган исталган мамлакатда стартаплар ривожланиши учун эшиклар доим очик.

— **Стартап бошлаш учун молиявий имконият қанчалик муҳим?**

— Стартапни ривожлантиришдан асосий мақсад — минимал молиявий ресурс билан катта даромад келтирувчи бизнес-моделни топиш. Оддий сўз билан айтганда, масалан, лойиҳага бошланишидан 1 млрд. долларни тикишга тайёр бўлсангиз — сиз стартап қидиришингиз ва яратишингиз шарт эмас. Бу маблағ билан тайёр ишлаётган бизнес-моделга қўшилишингиз ёки уни сотиб олишингиз мумкин. Lean Start-up, яъни тежамкор стартап технологияси билан “Стартап ташаббуслари” лойиҳаси жараёнида танишганмиз. Технологиянинг асосий маъноси ўзингиздаги гоа асосида гипотеза яратиш ва бу гипотезани текшириш, бизнес лойиҳанинг истиқболини баҳолаш.

— **Ёшларга, умуман, стартап бошлаётганларга маслаҳатларингиз.**

— Агарда сизда гоа борми, тadbиркорлик билан шугулланмоқчимисиз, меҳнат қилишга тайёрмисиз — ҳеч нарсадан қўрқмасдан ва шубҳаланмасдан жамоа тузинг! Лойиҳани олға суринг, турли тadbирларда иштирок этиб, янги билимларга, дўст ва танишларга эга бўлинг. Стартап лойиҳа ривожланиши натижасида икки вазиётга олиб бориши мумкин:

1. Стартап катта бизнесга ва сиз эса бой одамга айланасиз.

2. Стартап компания ёпилади, сизда эса тажриба, билимлар ва янги танишлар қолади. Буларнинг барчаси янги стартап бошланишингизга имконият яратди.

Хуллас, стартап бошлаб озгина вақт ва маблағ йўқотишингиз мумкин, лекин бунинг эвазига катта даромад, тажриба, билим ва бизнес алоқаларга эга бўласиз!

— **Келгуси режаларингиз?**

— Сентябрь ойдан бери катта ташкилотнинг йирик бўлимини бошқаряпман. Стратегияни тузиш, жамоани ташкил қилиш ва кадрларни ривожлантириш, ишни режалаштириш тажрибасини олмоқчиман. Бу тажриба OylikUz лойиҳасини ривожлантиришда, келажакда янги лойиҳаларда иштирок этишда, уларни бошқаришда керак бўлади, деб ўйлайман. Асосий мақсадим доим янги маълумотларни ўрганиш, янги билимларга эга бўлиш ва лойиҳаларни яратиш ва бошқариш учун керакли компетенцияларга эга бўлиш!

— **Фойдаланиш ва қизиқарли суҳбат учун ташаккур!**

Фуломжон НАЗАРОВ
суҳбатлашди



ПРЕЗИДЕНТ МАКТАБЛАРИ ҚАЙСИ ФАНЛАРГА ИХТИСОСЛАШАДИ?

Ўзбекистоннинг ҳар бир ҳудудда Президент мактаблари ташкил этилиши ҳақида Xabar.uz ахборот-таҳлилий порталимизда хабар берган эдик.

Халқ таълими вазирлиги ахборот хизмати маълум қилишчи, вазир Шерзод Шерматов соҳа мутахассидиларга мактабни ташкил этиш бўйича топшириқлар берган.

Вазирнинг айтишича, Президент ташаббусига кўра биринчи мактаб Қорақалпоғистоннинг Нукус шаҳрида ташкил этилади. Президент мактаблари босқичма-босқич мамлакатнинг бошқа ҳудудларида ҳам очилади.

“Президент мактабларининг асосий мақсади мамлакатимизнинг ҳар бир вилоятида иқтидорли ёшларни аниқлаш ва уларнинг ривожланишига керакли шароитлар яратишдир”, — деди Шерматов.

Вазирнинг айтишича, Президент мактаблари STEAM (Science (фан), Technology (технология), Engineering (муҳандислик), Art (санъат) ва Mathematics (математика) фанларини ўқитишга ихтисослашган бўлади. Яъни, Президент мактабларида ёшларга математика, физика, кимё, биология ва ахборот технологиялари ҳамда хорижий тиллар илгор таълим методологиялари асосида чуқур ўргатилади.

“Президент мактабларида ўқувчиларни танлаш ва таълим сифатини таъминлаш учун уларни хорижлик мутахассислар бошқарадилар. Шу билан бирга, мактабга малакали хорижлик ҳамда маҳаллий педагоглар жалб этилади ва уларнинг фаолиятига керакли шарт-шароитлар яратилади”, — деди Шерматов.

Вазирнинг қайд этишича, ҳозирда тегишли вазирлик ва идоралар томонидан Президент мактаблари фаолияти ва ўқувчиларни қабул қилиш масалаларини тартибга солувчи керакли меъёрий ҳужжатларни тайёрлаш бўйича ишлар бошланди. Бу ҳужжатлар ўқувчиларга қўйиладиган талаблар ва қабул қилиш жараёнини белгилаб беради.

“Фурсатдан фойдаланиб, мен хорижлик мутахассислар ва хорижда ишлаётган юртдошларимизни ушбу лойиҳада иштирок этишга ва Ўзбекистон таълим тизимини ривожлантиришга ҳисса қўлишга чақираман. Мутахассислардан ўз резюмеларини ва таклифларини expert@xtv.uz электрон почтасига юборишларини сўрайман”, — деган вазир.

Стартапни ривожлантиришдан асосий мақсад — минимал молиявий ресурс билан катта даромад келтирувчи бизнес-моделни топиш.

23 НОВЫХ УСЛУГ НА ЕПИГУ В ТРЕТЬЕМ КВАРТАЛЕ ТЕКУЩЕГО ГОДА



Единый портал интерактивных государственных услуг (Единый портал) является единой точкой доступа к электронным государственным услугам, предоставляемым государ-

ственными органами, в том числе на платной основе.

Предоставление интерактивных государственных услуг через Единый портал осуществляется для заявителей, прошедших процедуру регистрации и авторизации согласно Положению о порядке оказания электронных государственных услуг через Единый портал интерактивных государственных услуг и официальные веб-сайты государственных органов, утвержденном постановлением Кабинета Министров Республики Узбекистан от 15 сентября 2017 года «О мерах по совершенствованию порядка оказания электронных государственных услуг через Единый портал интерактивных государственных услуг Рес-

публики Узбекистан».

Посредством Единого портала пользователю предоставляются электронные государственные услуги в виде информационных и интерактивных государственных услуг.

Сводный реестр электронных государственных услуг (Сводный реестр) утверждается Республиканской комиссией по координации реализации Комплексной программы развития Национальной информационно-коммуникационной системы Республики Узбекистан на 2013–2020 годы.

Электронные государственные услуги, включенные в Сводный реестр, в обязательном порядке должны предоставляться через Единый портал.

На сегодняшний день Единый портал предоставляет 127 интерактивных государственных услуг, и каждый пользователь имеет удаленный доступ для осуществления взаимоотношений с государственными органами в рамках электронного правительства.

По состоянию на 21 ноября 2018 года количество заявок через Единый портал составило 3,2 млн., количество зарегистрированных пользователей портала — 57,7 тыс., а количество заявок, поступивших через Центр государственных услуг — 2,2 млн.

23 новых интерактивных общественных услуг были представлены на Едином портале до третьего квартала этого года.

СОТРУДНИЧЕСТВО

ИНДИЙСКАЯ КОМПАНИЯ ДАСТ СВОИ ПРЕДЛОЖЕНИЯ ПО РАЗВИТИЮ ТЕХНОЛОГИЙ «УМНЫЙ ГОРОД»



В Центре развития системы «Электронное правительство» прошла встреча с Амолак Сингом, руководящим партнером индийской компании VisionCraft, о возможностях участия индийской компании в проектах в Узбекистане.

Компания VisionCraft занимается вопросами формирования центров обработки данных и имеет интересы в таких отраслях, как медицина, строительство,

недвижимость, текстиль, энергетика и другие.

В ходе встречи особое внимание было уделено достижениям индийского учреждения в сфере информационных технологий.

О проводимых работах по развитию системы электронного правительства в стране рассказал первый заместитель директора Центра Данияр Атаджанов. Большой интерес у индийского представителя вызвали озвученные

планы по внедрению современных инновационных технологий в сфере государственного управления в Узбекистане.

Важной тематикой переговоров стали вопросы реализации совместных проектов по направлению развития технологий «Умный город». Стороны выразили обоюдное мнение о необходимости скорой практической реализации достигнутых договоренностей.


СОФТ

ВПЕРВЫЕ В ТАШКЕНТЕ ПРОЙДЕТ ФЕСТИВАЛЬ РАЗРАБОТЧИКОВ GDG-DEVFEST

В Узбекистане впервые пройдет одно из главных мероприятий компании Google для разработчиков – Google Developers Group (GDG) DevFest.

Университет Инха в г. Ташкенте (IUT), компания Google, Google Developers Group (GDG) Tashkent и Союз молодежи Узбекистана 24 ноября 2018 года при поддержке Министерства по развитию информационных технологий и коммуникаций, Министерства народного образования и Офиса ПРООН в Узбекистане проведут международный фестиваль разработчиков GDG-Tashkent – DevFest.

DevFest – это глобальное событие, проводимое по всему миру сообществами Google Developers Group при поддержке компании Google. В рамках мероприятия будут представлены и обсуждены последние техноло-



гии и разработки Google.

В частности, участники рассмотрят вопросы создания мобильных приложений, использования возможности VR/AR технологий в бизнесе, и т.д.

Напомним, что с 2015 года IUT проводит конференцию Google I/O Extended Tashkent для молодых специалистов. Конференция является площадкой для ознакомления молодых специалистов Узбекистана с самыми новыми актуальными концепциями инновационных решений компании Google.

ОБРАЗОВАНИЕ

ИННОВАЦИОННАЯ ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ КОЛЛЕДЖЕЙ ОТРАСЛИ СВЯЗИ

В последние годы в нашей республике уделяется огромное внимание системе образования на всех его ступенях, особенно это заметно в системе среднего специального профессионального образования.

Хотелось бы отметить инновационную деятельность некоторых колледжей отрасли связи. Так, например, в Ташкентском профессиональном колледже связи (ТПКС) и в Ташкентском профессиональном колледже информационных технологий (ТПКИТ) ведутся инновационные нововведения в учебный процесс подготовки высококвалифициро-

ванных конкурентоспособных, которые в перспективе будут занимать на рынке труда свое достойное место. Взятые очень высокие ориентиры и цели, учитывающие международный опыт подготовки специалистов среднего звена по ИКТ.

ТПКИТ уже третий год сотрудничает с ведущими всемирно известными корпорациями (СAMSUNG) и учебными заведениями (Университет Пучон, Улсан), по составленному договору о сотрудничестве между ТПКИТ Пучон будут открыты новые три специальности по направлению «Разработка и об-

служивание устройств управления», а ТПКС по предварительному соглашению будет сотрудничать с Белорусским политехническим институтом РИПО (республиканский институт профессионального образования) и Санкт-Петербургским техническим университетом.

Организуемые дуальные образования в указанных колледжах позволяют выйти на международный рынок труда молодых специалистов, поднимет престиж учебных заведений Узбекистана.

Нодир ХОДЖАЕВ,
доцент, преподаватель

ЎЗБЕКИСТОН: “ФАЗОВИЙ ДАВЛАТЛАР” САРИ ИЛК ҚАДАМ

Пойтахтимизда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги раҳбарлари, вазирлик тасарруфидаги корхоналар мутахассислари, Тошкент ахборот технологиялари университети, Фанлар академияси, шунингдек, мобил алоқа компаниялари ҳамда республиканинг бошқа вазирликлари, ташкилот ва муассасалари вакиллари иштирокида бўлиб ўтган “Радиоалоқани ривожлантириш истиқболлари. Радиоалоқа ва радиочастоталарни бошқаришнинг замонавий технологиялари” мавзудаги республика илмий-техник семинарида ҳам айнан космик фаолият тилга олинди.



◀ 1-бет.

“Сунъий йўлдошни ишлаб чиқиш ва ишга тушириш, йўлдошли алоқа тизимлари ва учини бошқариш маркази ташкил этиш, шунингдек, кадрларни тайёрлаш ва бошқа муҳим ишлар бўйича умумий харажатлар тахминан 200-220 миллион АҚШ доллари бўлиши мумкин.”

Ахборот технологиялари коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг йўлдошли алоқа бошқармаси бошлиғи Камол Муминон семинар иштирокчилари эътиборини Ўзбекистонда космик фаолиятнинг айрим йўналишларига қаратди.

— “Ўзбекистонда космик тадқиқотлар ва технологияларни ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида”ги Президент фармойиши ижроси доирасидаги асосий ишлар АКТ вазирлиги зиммасига юклатилган, — дейди К.Муминон. — Айни вақтда космик саноятни ташкил этиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Мазкур ишларни ўз вақтида ва тўғри бажаришда вазирлиқнинг Радиочастота спектрдан фойдаланишни тартибга солиш бўлими асосий рол ўйнайди. Бугунги маърузада космик фаолият айрим йўналишларининг республикамиз илм-фан ва таълими тараққиёти, иқтисодиётнинг турли тармоқлари ривождаги муҳим аҳамиятини шарҳлашга ҳаракат қилдим.

Хўш, сунъий йўлдош алоқасининг долзарблиги, мақсадлари, вазифа ва афзалликлари нимада? Мутахассис таъкидича, “Фазовий давлатлар” сафига қўшилиш Ўзбекистонга, аввало, ахборот ва телекоммуникация хавфсизлигини таъминлаш, қолаверса, геосиёсий имкониятини мустаҳкамлаш, жаҳон ҳамжамиятига илмий салоҳиятини на-

моийш этиш имконини беради. Шунингдек:

— мамлакатни (айниқса, бориш қийин бўлган аҳоли масканларини) 100 фоиз ишончли алоқа билан қамраб олиш, рақамли телевидение, радио, телефония ва бошқа рақамли маълумотлар, масалан, масофавий тиббий ёрдам (телемедицина), мактаб таълими (масофавий таълим), турли хил фавқулодда вазиятларда, жумладан, террорчилик ҳужумларида огоҳлантириш сигналлари билан таъминлаш;

— табиий ва техноген объектлар, масалан, сув омборлари, газ қувурлари, нефть ва газ омборлари, муҳим аҳамиятли объектларни назорат ва мониторинг қилиш, фавқулодда вазиятларда ва қўтқарув-қидирув ишларида барқарор ва ишончли алоқани таъминлаш;

— сунъий йўлдош телекоммуникацияларининг халқаро бозорига кириб, эркин сунъий йўлдош ресурсларини ижарага бериш орқали даромадга эга бўлиш имконитлари мавжуд.

— Айтиш жоизки, космик телекоммуникациялар Ўзбекистоннинг амалдаги анъанавий коммуникация тизимлари билан мутлақо рақобатлашмайди, — дейди К.Муминон. — Балки, органик ва сифат жиҳатидан уни тўлдирди (сунъий йўлдошли тармоқлар ривожланиши иқтисодий жиҳатдан самарасиз, айниқса, узоқ ва қишлоқ жойларини қамраб олиши билан

аҳамиятли), шунингдек, ривожланган мамлакатларда қўлланиладиган ахборот технологиялари тизимларининг энг замонавий даражасигача умумий функционалликни таъминлайди. Шу ўринда лойиҳанинг тахминий қиймати ва уни амалга ошириш шартлари кўпчиликти қизиқтирса керак. Сунъий йўлдошни ишлаб чиқиш ва ишга тушириш, йўлдошли алоқа тизимлари ва учини бошқариш маркази ташкил этиш, шунингдек, кадрларни тайёрлаш, вилоятлар марказлари ва республиканинг бошқа керакли жойларида ерости станцияларини жойлаштириш бўйича умумий харажатлар тахминан 200-220 миллион АҚШ доллари бўлиши мумкин. Барча тизимларнинг зарур ер текширувларини ҳисобга олган ҳолда, сунъий йўлдош ишлаб чиқиш муддати тахминан 2,5-3 йилни ташкил этади. Шу давр ичида кадрларни тайёрлаш ишлари олиб борилади, йўлдошли алоқа тизими инфратузилмаси яратилади ҳамда мавжуд йўлдошли алоқа ижара каналлари тестдан ўтказилади.

Шунингдек, қатнашчилар кун давомида Замонавий радиоалоқа технологиялари, жумладан, бешинчи авлод мобил алоқа тизимларини ривожлантириш истиқболлари; Учувчисиз самолётлар учун радиочастотали спектрдан фойдаланиш масалалари; Интернет-ресурслардан фойдаланиш учун истиқболли радио-технологиялар; Халқаро электралоқа иттифоқининг 2019

йилги Бутунжаҳон радиоалоқа анжуманига мамлакатимиз иштирокчини тайёрлаш жараёни; Уяли алоқа операторлари томонидан телекоммуникация инфратузилмаларини алмашиш; Ўзбекистонда радиоэшиштириш тармоғини ривожлантириш бўйича аниқ масалалар; Дастурий воситалар радиомониторинг натижаларини ҳар томонлама таҳлил қилиш қобилияти ва бошқа шу каби долзарб масалаларни муҳокама қилдилар.

Ҳар бир эксперт томонидан кўтарилган масала ўзининг кўп қиррали томонлари билан ажралиб турди.

Семинарнинг амалий аҳамияти шундаки, тақдим этилган ва кўриб чиқилган ҳисоботларни иштиракчилар ўзларининг профессионал фаолиятида қўллашлари мумкин. Бу ерда олинган тажриба ва билим Ўзбекистон Республикасида радиоалоқа технологияларини ривожлантириш муаммоларини ҳал қилишда, барча манфаатдор томонларнинг радиоалоқа тизимларини ривожлантириш истиқболларини, замонавий радиоалоқа технологияларини жорий этиш ва мамлакатда радиочастота спектрларини бошқаришда саъй-ҳаракатларни бирлаштиришда бошланғич нуқта бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Усмоножон ЙЎЛДОШЕВ,
“Xabar” мухбири

С.Наседов олган суратлар.

Тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, улар фаолиятига ҳадеб аралашавермаслик, текширув деган балони кескин қисқартириш хусусида яқин йигирма йилдан буён тинимсиз гапирилади, қанча ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинмади, дейсиз. Шунга қарамай текширувлар камайиб, кичик бизнес, тадбиркорлик гуллаб-яшнаб кетганича йўқ.



МУАЛЛАҚ ТУРГАН САВОЛ: "ЭКСПРЕСС-ЎРГАНИШ" ТЕКШИРУВНИНГ ЯНГИ ТУРИМИ?

Нера?

"Текшираман!" деганга асос топилаверар экан. Текширишга "асос топган" азаматларга тадбиркордан камчилик-айб топиш чўт бўптими? Бунинг дастидан бир сўм топган тадбиркор шундан йигирма тийини ўзига насиб қилса, дўпписини осмонга отадиган даражага етвормадими?!

Майли, ўтган ишларга саловат, муҳими — энди вазият ўзгача: давлат раҳбарининг ташаббуси ва асосий эътибори, катта-кичик амалдорлар олдига қўяётган талаби, қабул қилинаётган қатор-қатор ҳуқуқий ҳужжатлар мана энди тадбиркорнинг бемалол ва бедаллол ишлашига имконият яратмоқда.

Турли текширувларми? Бу борада инқилоб қилинворди-ку: тадбиркорлик субъектлари, бир-иккита истиснони айтмаганда, икки йил текширувчининг юзини кўрмайди ҳисоб.

Тадбиркор фаолиятига тушов бўладиган муаммо қолмадими? Йўғ-а, гоҳ маҳаллий ҳокимият билан ер майдонига боғлиқ можаро, гоҳ банк билан кредитга оид низо, ваколатли идораларнинг ҳаракатсизлиги, сансалорлик... қисқаси, ҳозир ҳам тадбиркор учун катта-кичик ғурбатлар топилиб турибди. Начора, фуқаровий-ҳуқуқий муносабатлар бор экан, турли тушунмовчилик, муаммо, низо чиқаверади. Бундан кўпма ваҳимага тушавермаслик керак. Асосийси — ҳар қандай ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи

қонунлар бор. Тадбиркорлар ҳуқуқини ҳимоя қилишга шай ваколатли идоралар ҳам...

Шундай ваколатли идораларбор бир масала чиқиб қолдики, қоғоз қоралаётганимиз боисиям шунда.

Алалхусус, Фаргона вилояти Давлат солиқ бошқармаси бошлиғи 2018 йилнинг 16 ноябрида 557-ХС-сонли буйруққа имзо чекибди. Унга кўра, қатор хўжалик юритувчи субъектларнинг "...омборларида импорт қилинган юқори ликвидли товарлар қоллиғига аниқлик киритиш мақсадида" экспресс-ўрганишларнинг "...омборларида импорт қилинган юқори ликвидли товарлар қоллиғига аниқлик киритиш мақсадида" экспресс-ўрганишлар ўтказиш белгиланган. Гап йўқ, қонун шунга талаб қилса, ким нима дейиши мумкин?!

Ҳар қандай буйруқ-кўрсатмалар маълум ҳуқуқий ҳужжатларга асосланади. Вилоят солиқ бошқармасининг мазкур буйруғи ҳам иккита ҳуқуқий ҳужжатга таяниб чиқарилган. **Биринчи асос** — Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Давлат солиқ хизматлари органлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорининг (26.06.2018 й. ПҚ-3802) 7-банди. Бунда соҳа ходимларига жойларга чиқиб, экспресс-ўрганишларни амалга ошириш ҳуқуқи берилган. Яъники, солиқ тўловчи томонидан тақдим этилган ахборотнинг ишончилиги ҳамда солиқ тўловчилар ҳисоботларида акс эттирилган солиқ ва божхона имтиёзларини

қўллашнинг қонунийлигини тасдиқлаш жараёнида (камерал назорат) эҳтиёж туғилса, мутасадди шахс жойига чиқиб, вазиятга узил-кесил аниқлик киритиш учун экспресс-ўрганиш ўтказиши мумкин.

Фаргона вилоят солиқ бошқармаси бошлиғи юқоридеги буйруққа айна шу қарорнинг қайд этилган бандини асос қилиб олгани тушунарли, ахир гап хўжалик юритувчи субъектларда экспресс-ўрганиш ўтказиш хусусида кетмоқда.

Мазкур буйруққа **иккинчи асос** сифатида Солиқ кодексининг 71¹-моддаси кўрсатилган. Асосий савол шунда, негаки, Солиқ кодексининг мазкур моддаси хўжалик юритувчи субъектларнинг қолдиқ товар-моддий бойликлари сони эмас, балки у ерда ишлаётган ходимларининг ҳисоботдаги ва ҳақиқий сонининг мувофиқлигини аниқлаш ҳуқуқини беради. Муҳими, бу жараёнда хўжалик юритувчи субъектнинг молия-хўжалик фаолиятига аралашishi ҳам, назорат органи ходимидан эса "Текширишлар китоби"ни тўлдириш ҳам талаб этилмайди. Рост-да, бу ўринда масала, гирт деҳқонча айтганда, сонда бор-у саногда йўқ ходимлар бор-йўқлигига талалқуқли, илло молия-хўжалик фаолиятига эмас. Ким билсинку-я, вилоят солиқ бошқармаси "Текширувлар китоби"дан "айланиб ўтиш" учунгина Солиқ кодексининг 71¹-моддасига ёпишиб

олгандек. Бироқ бу модда "хўжалик юритувчи субъектларнинг оморига кириб", "товарлар қоллиғига аниқлик киритиш"га изн бермаяпти, ахир?! "Товарлар қоллиғига аниқлик киритиш" текшириш-тафтишни тақозо этади — бошқа йўли йўқ. Модомики, мақсад шу бўлса — марҳамат, "Текширишлар китоби"ни тўлдириш-да, ишингизни қилаверинг! Бироқ, солиқ идораси вакиллари "Текширишлар китоби" яқинига йўламоқчи эмас. Айтишайтган гапи битта: биз корхонанингизга текшириш учун эмас, "экспресс-ўрганиш" ўтказиш учун келганмиз, анов китобингизни нари олинг!".

Асос?

"Солиқ кодексининг 71¹-моддаси"!

Барака топгур, бу модда ҳе йўқ-бе йўқ оморнинг тит-питисини чиқаришга изн бермаяпти-ку?!

"Ҳа энди... буйруқ шунақа-да, ака!"

"Шунақа буйруқ" асослими, қонунийми?

Иккинчидан, "экспресс-ўрганиш" нима ўзи: текширув дейилса, ҳужжатларда "ўрганиш" дейилмоқда. "Ўрганиш" дейилса, текширувдан фарқи йўқ?

...Алқисса, саволлар муаллақ, тадбиркорлар гарант, солиқчилар оёғини тираб турибди...

Охири гап Бош прокуратурада қолди, чамаси...

Турсунали АКБАРОВ

“
Турли текширувларми? Бу борада инқилоб қилинворди-ку: тадбиркорлик субъектлари, бир-иккита истиснони айтмаганда, икки йил текширувчининг юзини кўрмайди ҳисоб.”

АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ:

“ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ЧЕТ ЭЛЛИК МУТАХАССИСЛАРГА 60 МИНГ ДОЛЛАР ТЎЛАНАДИ ДЕГАН ГАП АСОССИЗ”

Жорий йилнинг 7 ноябр куни “Ўзбекистон Республикаси ҳудудия хорижий давлатларнинг малакали мутахассислари томонидан меҳнат фаолиятини амалга ошириши учун қулай шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент қарори қабул қилинди. Ушбу қарор ортдан “Давлат томонидан чет эллик мутахассисларга 60 минг доллар тўланади” қабилида хабарлар тарқатилганди.

“Юқори ойлик тўлашни ташкилотларнинг ўзи ҳал қилади, бу чет эллик мутахассис ва иш берувчининг ўзлари ҳал қиладиган масаладир. Давлатнинг бу жараёнга алоқаси йўқ.”

Адлия вазирлиги матбуот хизматининг маълум қилишича, қарорнинг мақсади бугунги кунда иқтисодиётимизни ривожлантириш учун зарур бўлган хорижий мутахассисларни Ўзбекистонга кенг жалб қилиш, жалб қилганда ҳам фақат малакали ва юқори малакали мутахассисларни жалб қилишдир.

Ўзбекистонга жалб қилиниши кутилаётган ходимлар юқори малакали ва малакали чет эл мутахассислари деб аталувчи иккита тоифага бўлинди.

Бунинг асосий сабаби, агарда ушбу қарорда белгиланган мезонларга мос келадиган хорижлик давлатимиздаги ташкилотлар таклифига биноан меҳнат қилиш учун келса ва белгиланган талабларга жавоб берса, улар бир қатор имтиёзларга эга бўлади. Бу имтиёзлар мамлакатимиз фуқаролари фаолиятига, уларнинг мақомларига ёки бошқа муносабатларига умуман алоқаси бўлмаган масалалардир.



ман алоқаси бўлмаган масалалардир.

Жумладан, ушбу 2та тоифага мос келган (юқори малакали ва малакали) мутахассис:

- Ўзбекистонга келиш ва ишлаш учун рухсатномаларни олишда энгилликлар белгиланди (олдин 2та рухсатнома олиш керак бўлган), рухсатномалар учун тўловлар камайтирилди, муддати 3 йилгача узайтирилди (аввал ҳар йилда бир марта қайтадан олишга мажбур бўлган);

- ўриндошлик асосида Ўзбекистон ҳудудия ишлаши мумкин бўлди;

- Ўзбекистонга келиш учун виза эса меҳнат шартномасида кўрсатилган муддатга бериладиган бўлди, муддатни узайтириш учун чет элга чиқиб, ариза бериш шарт эмас, яъни Ўзбекистон ҳудудидан чиқиб, кейин яна қайтиб кириш мажбурияти йўқ;

- меҳнат шартномаси муддатига ходимнинг ўзига ва оила аъзоларига Ўзбекистонда яшаш ҳуқуқини берувчи гувоҳнома берилди (вид на жительство).

Ушбу келтирилган ўтилган ва қарордаги бошқа имтиёзлар манзилли равишда Ўзбекистон учун энг керакли мутахассисларни жалб қилиш учун белгиланган. Бу тажриба кўплаб мамлакатларда жорий этилган.

Оладиган маош миқдори ва бошқа юқори талаблар эса Ўзбекистонда фаолият юритувчи тадбиркорлик субъектлари, инвесторлар ёки бошқа ташкилотлар томонидан тартибсиз равишда чет элдан ҳар хил мутахассисларни жалб қилишнинг олдини олиш мақсадида киритилган.

Қарор матни ва нормалар жуда оддий тилда тушунарли қилиб ёзилган бўлса-да, ай-

рим интернет нашрлар бу қарор мазмун ва моҳиятини умуман нотўғри талқин қилиб, ҳақиқатдан анча йироқ бўлган хабарларни тарқатишмоқда. Яъни, чет элдан келадиган юқори малакали ва малакали мутахассисларга давлат томонидан 60 минг доллар ойлик тўланар экан, деган умуман асоссиз ва мантиқсиз фикрлар билдирилган. Юқори ойлик тўлашни ташкилотларнинг ўзи ҳал қилади, бу чет эллик мутахассис ва иш берувчининг ўзлари ҳал қиладиган масалалар. Давлатнинг бу жараёнга алоқаси йўқ.

Адлия вазирлиги ОАВларни ушбу қарорга нотўғри шарҳ беришдан тийилишга чақириб, қарор бўйича ҳар қандай саволларга жавоб ва тушунтиришлар беришга тайёрлигини маълум қилган.

ХАБАРИНГИЗ БОРМИ?

ЯКУНИЙ МУДДАТ: 2021 ЙИЛ 1 ЯНВАР



Аҳоли ўртасида ҳайдовчилик гувоҳномаларини алмаштириш муддати 2019 йил 1 январга қадар, дея нотўғри маълумот тарқалган.

Давлат хизматлари агентлиги матбуот хизматининг маълум қилишича, ҳайдовчилик гувоҳномасини янги намунада тизимга соддалаштирилган

тартибда алмаштириш 2021 йил 1 январга қадар давом этади.

Бугунги кунда мазкур хизмат Миробод, Юнусобод, Учтепа ҳамда Шайхонтоҳур туман Давлат хизматлари марказлари билан бир қаторда Яшнобод ва Мирзо Улугбек тумани Давлат хизматлари марказлари орқали ҳам жорий этилди.

Аҳолига қулайлик яра-

тиш ҳамда навбатларни олдини олиш мақсадида Тошкент шаҳрининг барча туман Давлат хизматлари марказлари орқали шу ҳафтанинг охирига қадар мазкур хизмат жорий этилиши режалаштирилмоқда.

Навбатдан ташқари хизмат кўрсатилиши учун қўшимча пул тўланиши бекор қилинган.

Муваффақият фақатгина ташқи омилларга қарши жисмонан курашиш билан ҳисоблашмайди. Унинг бош ғалабаси ичкарида — онг-шуурда ўрнашиб олган шубҳа-гумон, иккиланишга қарши жангда содир бўлиши керак. Боиси, асоссиз ҳислар муваффақиятимизнинг бош тўсифидир.

ИЧИМИЗДАГИ ЭНГ ЁВУЗ ДУШМАН



Х аётда муваффақият-ли бўлиш учун феъл-атворда икки хусусият бўй кўрсатиши керак: мустақил фикр ва ишонч.

Гап шундаки, инсон билим ва ҳақиқатлар чегараси сари қанча яқин борса, бошқаларнинг фикри билан ҳадеб ўртоқлашса, унинг муваффақиятли бўлиш имкони шу қадар қисқариб боради.

Ҳаёт шундай яратилган — унда ғолиблар кам, мағлублар эса бисёр. Бунга рақобат дейиш мумкин. Аммо кўриниб турган воқеалар, кимнингдир биздан ўзиб кетаётгани бизни мағлуб дейиш учун асос эмас. Ғолиблик — инсон руҳиятининг тубида ётган бойлик.

Конькичи ёки чанги устасининг муваффақиятсиз акробатик намоиши оддий томошабин учун спортчида мохирликнинг етишмаслиги бўлиб кўриниши мумкин. Аммо спортчи билан унинг маҳорати ҳақида суҳбатлашсангиз, у сизга муваффақиятсиз яқун топган ҳаракат ҳам муваффақиятлиси каби зарур эканлигини таъкидлайди. Улар аслида омадсиз уринишлар сабабли юқори даражага эришишган.

Спортчилар ҳаракати мобайнида руҳий ҳолат мувозанатини йўқотмасликлари учун бир нечта омилга суянадилар. Улардан бири — ўзининг саломатлигини ҳимоя қилиш, жонини омон сақлаш. Ҳар гал мусобақага киришаётган спортчи жонини гаровга қўяётганини билиб

туради. Ғалаба учун кураш беллашув жараёнида ҳаёт учун курашга айланади.

Инсон ҳам кўпинча янги мақсадга киришганида ички ишончни оширишга муҳтож. Аммо бу ишонч жонини ҳимоя қилиш учун эмас, ўзига бўлган ҳурматни оширишга йўналтирилади.

У ёки бу масалада рад этилсак, хулоса икки хил бўлади — касбий ёки шахсий жиҳатларимиз етарли эмас (А), ёки бирор осонгина баҳона тўқиб қўя қоламиз (Б). Аксариятимиз иккинчи хулосани маъқул кўраемиз. Мисол учун, "мен куйлашни эплай олмайман" дейиш ўрнига "залнинг акустик ҳолати жуда ёмон экан" деймиз. Чунки энг осон ҳимоя орқали ўзимизга бўлган ҳурматни йўқотмасликка ҳаракат қиламиз.

Бир томондан, инсон ҳадеб ўзини айблаш механизмини ишга солмаслиги ҳам керак. Акс ҳолда, биз ҳаттоки муваффақиятсизлик босқичига ҳам етиб бора олмаймиз. "Бу ерда ишлаш учун ёшлик қиламан!", "Ишсиз бўлганим учун унга ёқмаслигим аниқ", "У ерда мендан ҳам профессионаллар бор" каби ўй-фикрлар бизни ғалаба учун курашга кириб улгурмасимиздан мағлуб қилади.

Унутманг, эркакнинг омади, эркакнинг тақдири — у ўзини энг юқори даражага муносиб баҳолашига боғлиқ.

Кўриниб турибдики, биз кези келганда қанчалик "кар ва кўр" бўлиб, атрофга ҳадеб диққат билан назар ташлаш, ҳадеб одамларнинг

шубҳа-гумонга тўла фикрига қулоқ тутиш одатидан воз кечсак, руҳимиз шу қадар соғлом ва ўзимизга бўлган ишонч шу қадар юқори бўлади.

Мақтабда, коллеж ёки университетда аъло баҳо-ларга ўқиган, юксак ишонч билдирилган инсонларнинг бир қисмигина келажакда муваффақият қозона олади. Боиси фақат мана шу — муваффақият қозонган кишилар ўзини қадрлаш сифатига эга бўлишади. Бу сифатнинг пойдевори — устозлар мақтови, ота-она ишончи бўлиб, у инсонга ўзини бошқалардан ажралиб турадиган, фавқуллодда зукко ва бошқаларга ўрнатилган даражада воёга етишида ёрдам беради.

Ўзининг қадрига етган инсон иш, муҳаббат ва бошқа бирор синовда рад жавобини олса, тушқунлик гирдобига гарқ бўлмайди. Аслида бу рад жавоби уни муқаррар ҳалокатдан асраб қолганига ишонади. Келажакда инқирозга учрагандан кўра, ҳозир келажак учун муносиб бўлиш имконини қўлга киритиш муҳимроқ эмасми?

Мана шу — ўз-ўзини ҳимоя қилиш дегани. Биз ҳақимиздаги кимнингдир фикри, бизга берилган баҳо — энг кучли қурол бўлиб, келажакимизни ўзгартириб юбориши мумкин. Ўтмишдаги омадсизлик сизни таъқиб қилишига йўл қўйманг.

Ўз қарорингизни бошқаларникидан муҳимроқ билиш муваффақиятга эришишда аҳамиятли

хислат.

Одам табиатан тушқунликка мойил бўлади. Шу тўғрисида ҳар ким билан ҳам суҳбатлашиш мақсадга мувофиқ эмас.

Илмнинг қайд этишича, аэродинамика қондаларига кўра, ари учмаслиги керак экан. Эҳтимол, у бундан беҳабарлиги учун ҳам уча олар. Шунинг учун руҳиятимизга салбий таъсир қилувчи гап-сўзлардан ўзимизни ҳимоя қилишимиз керак.

Имкониятга таваккал қилиб эришиш мумкин. Таваккал қилиш лозим бўлган вазият шубҳа-гумонга тўла бўлади. Шубҳа-гумон бу — сиз, истакнинг эса — ишонч. Истақнинг устун бўлиши ғалабага эришишнинг 90 фоизини таъминлайди. Ички хоҳишнинг кучи шубҳани енгса, сўнг ишонч мустаҳкамланади.

Бугун — сиз кеча ташвишланган эрта. Шуни ёдда тутинг. Рингга кўтарилаётган боксчи мағлубият учун жанг қилмайди. Сувга сакраган спортчи бир зумга тўхтаб, ҳаётини бой беришини билади. Қуш ожиз бўлгани учун ҳам унга қанот берилган. Одамда эса журъат, жасурлик туйғуси бор. Сиз ҳам тақдир билан ҳар гал юзлашаётганингизда уни жасурлик билан қарши олинг. Муваффақият қозониш учун муваффақиятга бўлган эҳтиёж муваффақиятсизликка нисбатан кўрқувингиздан ҳар лаҳза устун бўлсин.

Шухрат САТТОРОВ

Илмнинг қайд этишича, аэродинамика қондаларига кўра, ари учмаслиги керак экан. Эҳтимол, у бундан беҳабарлиги учун ҳам уча олар. Шунинг учун руҳиятимизга салбий таъсир қилувчи гап-сўзлардан ўзимизни ҳимоя қилишимиз керак.

МУРОЖААТЛАР ОРТИДА ИНСОН ТАҚДИРИ ТУРАДИ

Вазирлик мутасаддилари Сирдарё ва Хоразм вилоятларида ўтказилган мулоқотларда аҳоли мурожаатларини ўрганишди

Аҳолига кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш, пировардида халқ ишончига сазовор бўлиш ва розилигига эришиш Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги мутасаддиларининг асосий мақсадларидан биридир.



“Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг сўзсиз бажарилишини таъминлаш, шунингдек, Президент виртуал қабулхонаси орқали вазирликка соҳадаги мавжуд муаммолар юзасидан келиб тушаётган мурожаатларни ўз мудда-тида ҳал этиш мақсадида вазирлик томонидан бир қатор буйруқ ва фармойишлар қабул қилинган. Уларда соҳа йўналишига оид ҳар бир мурожаатни

атрофлича таҳлил қилган ҳолда фуқароларнинг фикрини, муаммоларини эшитиш, ечимларини топиш ва ўрнатилган тартиб асосида ҳал қилиш устувор вазифа этиб белгиланган.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш масаласи вазирлик раҳбариятининг доимий эътиборида бўлиб, тезкор йиғилишлар ҳамда Ҳайъат йиғилишларида танқидий кўриб чиқилмоқда. Ушбу муҳим масалада республикамизнинг турли ҳудудларида

ўтказилаётган Сайёр қабуллар, айниқса, самарали бўляпти.

Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги томонидан жорий йил 16 ноябр кун Сирдарё вилоятининг Боёвут туманида, 20 ноябр кун эса Хоразм вилоятининг Хонқа туманида ҳудудий бошқармалар ва ҳудуддаги соҳа корхона ва ташкилотлари раҳбарлари, мобил алоқа операторлари масъулари иштирокида ўтказилган сайёр қабул ҳам ўз натижасини берди.

Сайёр қабулда Сирдарё вилоятида 150 нафар, Хоразм вилоятида эса 200 нафарга яқин жисмоний ва юридик шахслар қатнашди.

Вазирликнинг юридик ва жисмоний шахслар мурожаатлари билан ишлаш бўлими мажлиси Жамолиддин Пўлатов республикамизда аҳоли турмуш даражасини янада ошириш, иқтисодиётнинг барқарор ривожланишини таъминлаш, аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига замонавий телекоммуникация хизматларини кўрсатишни кенгайтириш, янги рўсумдаги ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, электрон ҳуқуқат тизимини янада ривожлантиришнинг аҳамияти ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Тадбирларда ҳар икки вилоятда АКТни янада ривожлантириш ва модернизация қилиш, соҳада амалга оширилаётган ишлар бўйича 2018 йилнинг ўн ойи мобайнида

бажарилган ишлар ҳақида ахборот берилиб, келгуси йил режалари тўғрисида фикр юритилди.

Учрашувларда иштирок этган аҳоли вакиллари ўзларини қийнаётган муаммолари масалалар ҳақида гапириб, алоқа хизматларини яхшилаш бўйича тавсия ҳамда таклифларини баён этишди.

Сайёр қабулда жисмоний ва юридик шахслар томонидан маҳаллий телефон алоқаси, маълумотлар узатиш, мобил алоқа, телевидение ва соҳага доир бошқа масалалар юзасидан 100га яқин мурожаат келиб тушди ва масъул ходимлар томонидан бу мурожаатларнинг қарийб 70 фоизи жойига чиққан ҳолда ўрганилиб, ижобий ҳал этилди.

Учрашувларда кўтарилган муаммолари масалалар, аҳоли мурожаати ва таклифлари юзасидан АКТ вазирлиги тегишли чоралар кўриб, аниқ ечимларини белгилаб олди.

Сайёр қабул якунида вазирликнинг масъул ходими томонидан тизимдаги корхона ва ташкилотларга кўрсатилаётган хизматлар сифатини янада яхшилаш бўйича тегишли вазифалар белгиланиб, топшириқлар берилди.

Шу билан бирга, сайёр қабул жараёни вазирликнинг Сирдарё вилояти ҳудудий бошқармаси Facebook ижтимоий тармоғидаги fb.com/Depgulistan расмий саҳифаси орқали жонли эфирга узатилди.

Муборак МИРКАМОЛОВА

МАЪРИФАТ ДАРСИ

РАҲБАРЛИК ПСИХОЛОГИЯСИ НИМА?

Раҳбаршуносликда энг долзарб масалалардан бири раҳбарнинг ахлоқий етуклиги ва маърифатпарварлигидир. Зеро, ундаги маърифат омилнинг устуворлиги бошқарув жараёнлари самардорлигига беvosита таъсир кўрсатади. Шу боисдан ҳам раҳбарга хос бўлган маърифатпарварлик фазилатини шакллантириш ва ривожлантириш барча даврларда муҳим вазифалардан ҳисобланган.

Маълумки, “маърифат”нинг маъноси маърифий билим бериш, хабардор қилиш, ўргатиш кабиларни ифода этади. Иккинчи маъноси эса инсон онги, қалби, ҳаёт тарзини ижобий томонга ўзгартириш, яхшилик қилиш, савоб ишларни амалга оши-

ришга ундайдиган куч сифатида намоён бўлади. Мамлакатимизни жадал тараққий эттириш учун ишлаб чиқилган Ҳаракатлар стратегиясида ҳам ривожланиш жараёнларининг ҳаракатлантирувчи кучи сифатида раҳбар масъулияти ва маърифатпарварлигининг ўрни ва роли алоҳида қайд этиб ўтилган.

Раҳбар қўл остидаги ходимлар ва фуқаролар билан ўзаро муносабатда ушбу қоидаларга риоя этиши керак: ўзаро мулоқотда камтар, мулоим, босиқ, самимий бўлиш ҳамда ўз муносабатларини ҳурмат, ишонч ва ҳамкорлик асосида ташкил этиш; жамоада тинч ва ишчанлик муҳитини яратиш, телефонда аниқ, равшан, қисқа сўзлашиш, давлат ва хизмат

сирини ошкор қилмаслик; “сиз”лаб мурожаат қилиш; агар у ҳарбий ёки ички ишлар органи ходими бўлса, махсус унвон айтиб сўзлашиш, тақиқланган сўзларни, лақаб ва номларни ишлатмаслик, қўполлик ва беодоблик қилмаслик; ўздан юқори турувчи бошлиқнинг топшириқларига қатъий риоя қилиш кабилар.

Бугунги кунда халқ манфаатларига хизмат қилишни ўз бурчи деб биладиган, ҳар томонлама чуқур билимга эга бўлган, жисмонан соғлом, ахлоқан пок, маънавий етук, халқ билан ҳамкорлик қилиб, унинг дардига малҳам бўладиган раҳбар ходимларга бўлган эҳтиёж ортмоқда.

Раҳбар ходимлар ўз ваколатлари доирасида қўл ости-

дагилар ва фуқаролар билан мулоқотда маънавият, маданият ҳамда одоб-ахлоқ меzonларидан четга чиқмасдан сўзлашиб, уларнинг мурожаатларига қонун доирасида ечим топишга қўмақлашса, бошқалар ҳам ундан ибрат олади. Қолаверса, ана шу тартибда маънавиятимиз янада бойиб, ёш авлод ҳам шу йўсинда камол топади.

Давлат фелдъегерлик хизмати шахсий таркиби иштирокида ўтказилган навбатдаги маърифат дарсида айтиш мавзу тилга олинди. “Раҳбарлик психологиясида ахлоқ” мавзудаги маърузадан барча ўзига керакли хулоса чиқариб олди.

Ш. ШОҲАКИМОВ,
ДФХ подполковниги

КРИПОВАЛЮТАЛАР

БИТКОИНЛАР АРЗОНЛАШМОҚДА

Кейинги кунларда криптовалюталар бозорида яна кескин пастлаш сезилмоқда. Жумладан, биткоин нархи ўтган йилнинг октябридан бери илк бора 5000 АҚШ долларидан пастга тушди.

Умуман олганда, биткоин нархи шу ҳафтанинг бошидан бери минг долларга арзонлашди. Айтилган дамда унинг бир донаси 4500 доллар нархида савдога қўйилмоқда.



Шунингдек, бошқа криптовалюталарнинг котировкаларида ҳам пасайиш кузатилмоқда. Улар бозорининг умумий капитализацияси 40 миллиард доллардан ошдикча тушиб кетган ва ҳозирда 140 миллиард долларга яқинлашиб қолган. Бу пастлашни Bitcoin Cash хардфорки атрофидаги ноаниқликлар билан боғлашмоқда. Бозор касодининг яна бир сабаби — инвесторлар ўзларининг криптовалютадаги активларини оммавий тарзда сотишга ўтишган.

«Того таҳлилчиси Мати Гринспен фикрича, биткоин нархи яқин келажақда 3000 долларга тушиши мумкин.

БОЗОР



АРПЛЕНИНГ ҚУЛАШИ

Apple корпорациясининг смартфонлари савдоси бу йил бароридан келмаяпти. Оқибатда компания акцияларининг нархи муттасил тарзда тушиб бормоқда.

Ҳозир Арпленинг битта акцияси нархи 177 долларга тушган. Тинимсиз пасайиш натижасида техногигант капитализацияси 912 миллиарддан 840 миллиард долларга тушиб кетди.

Компаниянинг асосий рақобатчиларидан саналган Microsoft эса, аксинча, кўтарилиш жараёнида: капитализацияси 781 миллиард долларга етди. Шу тенденция сақланиб турса, у Арплдан ўзиб кетади.

3D


БУ ТИББИЁТ УЧУН “КАТТА САКРАШ”

Калифорниялик олимлар Хитойнинг United Imaging Healthcare компанияси билан ҳамкорликда бир неча сонияда инсон танасининг уч ўлчамли суратини олувчи сканер яратишди.

EXPLORER деб номланган бу қурилма устида олимлар етти йил ишлашди. Қурилма танани сканерлаш бўйича икки технология: компютер томографияси ҳамда позитрон-эмиссион томографияни бирлаштиради, бироқ улардан кўра самаралироқ.

Масалан, 3D-сканер инсон танасини тўлиқ суратга олиш учун 20-30 сония сарфлайди. ПЭТ эса 12,5 дақиқа. Қолаверса, EXPLORERда нурланиш дозаси эски қурилмаларникидан 40 мартаба паст экан.

EXPLORER 24 ноябр куни Шимолий Америка Радиология жамияти анжуманида намойиш қилинади, кейинги йиллардан касалхоналарга етказиб берилма бошланади.



ЭЛЕКТРОН КИТОБ



ХИАОМИ ЯНА БИР ЯНГИЛИККА ҚЎЛ УРДИ

Хиаоми компанияси турли маҳсулотларга ихтисослашиб борапти: смартфонлар, планшетлар, ноутбуклар, совутичлар, телевизорлар... Аммо электрон китоби йўқ эди ва уни ҳам чиқариш арафасида.

Қурилманинг техник хусусиятлари ҳозирча номалълум, аммо уни Amazon Kindle букридерлари билан бемалол беллашади, дейишмоқда. Тўғри, ҳозир электрон китобларга талаб юқори эмас, аммо паст ҳам эмас — Хиаомининг режаси чакки эмас.

СИЁСАТ



FACEBOOK ХОДИМЛАРИГА “АЙФОН” ТАҚИҚЛАНДИ

Facebook раҳбари Марк Цукерберг ижтимоий тармоқ мансабдорларидан фақат Android амалий тизимида ишловчи смартфонлардан фойдаланишни талаб қилди.

Баъзи таҳминларга кўра, бу қарор Apple раҳбари Тим Кук интервюларидан бирда Facebookни танқид қилганига қарши жавоб бўлиши мумкин.

Тим Кук ижтимоий тармоқни шахсий маълумотларнинг чиқиб кетишига доир Cambridge Analytica компанияси билан боғлиқ можаро учун танқид қилган ва Apple фойдаланувчиларининг “шахсий ҳаёти билан савдо қилмоқчи эмас”лигини билдирган эди.

Facebook ходимлари ва раҳбарлари андроидни “энг оммалашган амалий тизим” дея, унга ўтилишини қўллаб-қувватлашди. Бироқ Twitterга “айфон” орқали ёзаётган фејсбукчилар ҳам йўқ эмас.

РЕЙТИНГЛАР

2018 ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ ВИДЕОҮЙИНЛАРИ

Нуфузли Time журнали экспертлари 2018 йилнинг энг яхши ўнга ўйинини саралашди.

Йилнинг энг яхши ўйини — PlayStation 4 учун махсус чиқарилган God of War.


Энг яхши ўйинлар (ТОП-10)

1. God of War
2. Marvel's Spider-Man
3. Into the Breach
4. Subnautica
5. Red Dead Redemption 2
6. Florence
7. Super Mario Party
8. Assassin's Creed Odyssey
9. Dandara
10. Donut County.



2018 ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ ДАСТУРЛАШ ТИЛЛАРИ ВА ЛОЙИХАЛАРИ


GitHub энг оммалашган дастурлаш тиллари рейтингини (ТОП-10)ни тузди. Кучли ўнликнинг юқори қисми 2015 йилдан бери ўзгармапти — JavaScript, Java ва Python етакчилар сифида.



Рейтингнинг куйи қисмида ўзгаришлар сезиларли: Ruby пасайиб-пасайиб 10-ўринга тушди, аксинча Microsoft JavaScriptra киритган кенгайтма — ўтган йили ўнликка кирган

TypeScript 7-ўринга кўтарилди. Тез оммалашиб бораётган дастурлаш тиллари: Kotlin, HCL ҳамда TypeScript.

Йилнинг энг оммалашган opensource-лойиҳалари Microsoft/vscode, facebook/react-native ва tensorflow/tensorflow бўлди. Opensource-лойиҳаларда энг фаол қатнашган ташкилотлар аъзолари: Microsoft (7700), Google (5500) ва Red Hat (3300).



Интерполга янги раҳбар сайланди

Жанубий корейлик Ким Чон Ян Интерполнинг янги раҳбари этиб сайланди. У Интерпол раҳбарлиги учун асосий номзод сифатида қаралган вице-президент, россиялик генерал Александр Прокопчукни рақобатда ортда қолдирган. Унга халқаро ташкилотнинг бош ассамблеясида ўтказилган сайловда 98 аъзо овоз берган. Ким Чон Ян бунгача Интерпол вице-президенти бўлиб ишлаган, сўнгги ойларида эса вақтинчалик президент бўлган.



Британиянинг The Times нашри Александр Прокопчукни асосий номзод сифатида эътироф этган. Аммо, у сайловда 64 овоз олди. Унинг номзоди америкалик сенаторлар қаршичилигига учради. Улар Россия "Интерполдан доимий равишда маълумотларни қўлга кириштириш, сиёсий муҳолифлар, диссидентлар ва журналистларга тазйиқ ўтказишда фойдаланиб келган"ини иддао қилишди.

Сайловдан олдин Литва ва Украина Александр Прокопчук Интерпол раҳбари этиб сайланса, ташкилотни тарк этишдан огоҳланганди.

Эслатиб ўтамиз, Интерполнинг аввалги президенти хитойлик Мэн Хунвей сентябр ойи охирида гойиб бўлиб қолган. Кейинчалик у Хитойда қўлга олингани маълум бўлди. Шундан кейин Хунвей ташкилот раҳбари лавозимидан истеъфога чиқарилди.

Қиролликка қурул етказиб бериш тўхтатилди

Германия ҳукумати Саудия Арабистони қироллигига қурул етказиб беришни бутунлай тўхтатганини эълон қилди. Бу журналист Жамол Қошиқчининг ўлдирилишига норозилик сифатида амалга оширилди.

Мамлакат молия вазирлиги берган баёнотга кўра, вазирлар маҳкамаси Риёзга қурул экспорт қилиш учун янги лицензияларни таққошани жорий қилади, шунингдек, олдин берилган лицензиялар муддати тугатилди.



Жефф Безос бошпанасизлар учун 100 млн. доллар ажратди

Amazon асосчиси ва дунёнинг энг бой одами Жефф Безос бошпанасизлар муаммолари билан шугулланувчи ташкилотларга 97,5 млн. доллар хайрия қилди. У ажратган хайрия маблағларини 24та ташкилот олган. "Пулни олганларни табриклайман, биз сиз уларни ақл ва қалб амри билан сарфлашингизни биламиз, — деб ёзган Безос ўз твиттерига. — Рафиқам Маккензи ва мен ҳар қандай одамнинг саъй-ҳаракатлари умумий фаровонлик учун хизмат қилишига ишонамиз".

Айни вақтда Безоснинг бойлиги 127,6 млрд. долларга баҳоланмоқда. Яқин кунларга у энг бой америкаликлар бешталигидан хайрия ишларига катта маблағлар сарфламайдиган ягона миллиардер ҳисобланарди.



Мэй Санчес билан Brexit бўйича баҳсли масалани муҳокама қилди

Буюк Британия бош вазири Тереза Мэй ва унинг испаниялик ҳаммаси Педро Санчес Буюк Британиянинг Европа иттифоқидан чиқиб кетганидан сўнг Гибралтар мақоми тўғрисида музокаралар ўтказишди.

Испания бош вазири Педро Санчеснинг маълум қилишича, мамлакат Brexit бўйича келишувни блоклаб қўйиши мумкин. "Испания ҳукумати 72 соат олдин Brexit битими лойиҳасида Гибралтар ҳақида томонларнинг музокаралари моҳияти борасида сўз юритилмаслигини аниқлаган. Бўғоз Буюк Британия томонидан "тақдим этилган", лекин "унга тегишли эмас" — таъкидлаган Санчес.

Араб минтақасида тоза сувнинг улushi атиги бир фоиз

Араб сувлари кенгашининг раҳбари Маҳмуд Абу Зайднинг сўзларига кўра, араб минтақаси дунёдаги чучук сувнинг атиги 1 фоизига эгалик қилади. Бу Мисрдаги араб сувлари бошқарув кенгашининг 2019-2021 йиллардаги ишлар режасини белгилаш бўйича йиғилишида айtilди. "Араб минтақасида сув муаммоси очиқ-ойдин. Минтақа дунёдаги чучук сувнинг бир фоизигагина эгалик қилади", деган Абу Зайд.

Унинг сўзларига кўра, 60 фоиздан ортиқ дарё суви минтақа ташқарисидан олиб келинади. Минтақа аҳолисининг 40 фоизи сув тақчил бўлган жойларда яшайди. "Дунёда сув тақчиллигидан қийналадиган давлатлар орасида 14 араб давлати бор. Шу сабабли глобал сув инқирозига қарши турадиган стратегия белгиланиши керак", дея қўшимча қилган у.

Эслатиб ўтамиз, Араб сувлари кенгаши 2014 йилда ташкил қилинган.



БМТ вакили: "Бунга уларнинг ҳаққи бор"

Исроил Ғазодаги вазият танг эканини ва "портлаши мумкин"лигини тан олиши керак. БМТнинг Яқин Шарқ бўйича махсус мувофиқлаштирувчиси Николай Младенов Хавфсизлик кенгаши йиғилишида ана шундай фикр билдирди. "Бу "портлаш"нинг олдини олиш учун одамлар ҳаётнинг нормаллашадиганини кўришлари, бунинг учун эса мавжуд баҳслар ҳал қилиниши лозим", — деди Младенов.

Унинг таъкидлашича, Фаластин халқи Ғазо сектори ва Ғарбий соҳилнинг бирлашишини, Исроил оккупацияси барҳам топишини, БМТ резолюциялари асосидаги ва ривож топадиган Фаластин давлати барпо этилишини истайди. Бунга уларнинг ҳаққи бор.



Турк Қизил ярим ой жамияти Ғазода

Йиғит Олжай раҳбарлигида Туркия Қизил ярим ой жамияти Фаластиннинг Бейт Лаҳия шаҳрида аҳолига ногиронлар аравачаларини тарқатди. "Бу аравачалар Исроил билан тўқнашув пайтида яраланган фаластинликлар учун олиб келинди", — деб айтган Олжай "Анадолу" агентлигида.

Саҳифани У.Ў.Ў.ДОШЕВ тайёрлади



Николай ХАЙТОВ
(1919–2002)

(Охири. Аввали ўтган соғларда.)

Бу гапларни эшитиб, тошдек қотиб қолдим. Кун ёйилгач, бувам муллани бошлаб келди. Қуръонни ўртага қўйиб, мени “сўкишмайман, муштлашмайман, ўзимни дарёга ташламайман, жонимга қасд қилмайман”, деб қасам ичдиришди. Бола қўрганымдан кейингина бу қасам кучдан кетар экан.

Шу йўсинда ихтиёримни жилловлаб қўйишди. Ҳамма дардимни ичимга ютавердим. Юрагим иғналар санчилавериб илма-тешик бўлиб кетгандай туоларди. Силвинанинг қишлоққа қайтганини эшитган, дод деб юборай дедим. Руфат деворларимён кўшимиз эди. Аммо, Силвинанинг қайтганини ҳеч ким қўрмаганди. Бир ойгача у ҳатто ҳовлисига ҳам чиқмади. Кейинчалик воқеа ойдинлаша бошлади.

Силвина менга тегиб, ҳовлида уй юмушларини бажариб юрган келлари Руфат уни бир қўргану ошиқу беқарор бўлиб қолган экан. Девордан қўз илгамас тўйнуқча очиб, уни ўринча кузатиб ўтираркан. Руфат мендан етти ёш катта эди. Аммо, на ўтин тергани борарди, на далага чиқиб ишларди, на қасосб отасига кўмаклашарди. Турган-битгани ғирт танбал, тақасалтанг эди. Уларнинг иккита эчкиси бўларди, икковининг бўйнига ҳам кўнгирак осилган эди. Силвинанинг Ражаб ва Умар деган чўпон акалари ана шунақа эчки учун ўзларини томдан ташлайдиганлар тоифасидан эди. Руфат уларнинг ана шу ожизликларидан фойдаланибди. Ражаб билан Умар шу эчкиларга харидор бўлишганида у номдар бунинг эвазига Силвинани сўрабди. Сингилларнинг ҳали ҳам қиз эканини билиб қолишгач, улар Руфатнинг шартига қўнишибди.

Мен Силвинани жуда-жуда кўргим келарди. Лекин, ваҳший Руфат хотинини сира уйдан чиқармас эди. Ўйлаб-ўйлаб чорасини топдим: қош қорайиши билан томга чиқиб, мўрини паналаб, Руфатнинг деразасига қараб ётдим. Унинг деразаси жуда кичкина эди. Бироқ, ичкарида чироқ ёқилгач, кўзим баъзи нарсаларни илғади. Юмалоқ хонтахта атрофида ўтириб овқатланишди. Кейин хонтахтани кўтариб, четга олишди. Кейин... жой солинди.

Унинг уйда керосин чироқ милтиллаб ёнар, менинг қалбим эса шамчироқ каби сўнаётганга ўхшарди. Назаримда юрагим уридан тўхтаган эди. Нафас ҳам олмасдим. Аслида юрагим олатдагидан қаттиқ тепар, вужудим ғазабдан титрарди. Менинг томга чиқишларимни бувим сезиб қолди, бувамга айтиб берди.

— Ишинг бўлмасин, қарайверсин, — деди бувам. — Қаҳрини қайраса, минбаъд никоҳ кечаси келиннинг бурнини қонатмайдиган бўлади.

Бувамнинг ҳақ ёки ноҳақ эканликларини таҳлил қилиб ўтирмайман. Аммо, унинг қаҳр-ғазаб ҳақидаги гапи чин эди. Агар одамнинг дарди ошиб-тошиб кетса, қаҳр-ғазабгина уни бу азобдан қутқаради. Ичига сомон тўлғазилган полиз қўриқчинини кўрганмисиз? Ташидан одамга ўхшайди. Бироқ, ичиди сомондан бўлак ҳеч вақо йўқ. Юрак ҳам, суяк ҳам йўқ унда. Яхшилаб тойланган сомонгина унинг қаддини тик тутиб туради. Менда эса юрак бор. Ичим сомонга эмас, ғазабга тўлган. Мана шу ғазаб қаддимни



(Ҳикоя)

кўтариб турибди. Қаҳримнинг бари Руфатга қаратилган. Руфат бир зум ҳам хаёлимдан кўтариб-майди. Далада ҳам, яйловда ҳам уни ўйлайман. Эрталаб ҳам, кечқурун ҳам уни ўлдириб йўлини излайман. Болта билан чопиб ташласаммикин ёки қорнига пичоқ тикиб, бураб-бураб олсаммикин? Шундай қилганим дуруст. Дарров ўлмайди. Тоза азоб чекади. Ичак-чавоғини оёғим билан эзгиласам-ку, росс хумордан чиқаман. Йўқ, буниси бўлмайди. Етарли азоб чекмайди. Бўғиб ўлдирганим маъқул. Озгина бўғиб, сўнг бушатсам, кейин яна бўғсам... Йўқ, бунинг эллаш қийин. Томоғига бир чанг солгач, қўйиб юбормасам керак. Қийналмай дарров ўлади-қолади... Шу зайлда уни минг марта ўлдириб, терисини шилиб, минг марта тирилтирдим. Бошим ғовлаб кетди. Қўлларим титраб, тишларим гижирлайдиган бўлиб қолди. Полиз қўриқчиси сомон билан ёниб кетди — алаҳлайдиган бўлиб қолдим.

Бувам бу аҳволимни кўриб, саросимага тушибди. Турғисини айтсам, бувамнинг хавотирлари менинг тобим айнигандан эмас, балки Дуришевлар авлодининг, зурриётнинг тақдирини қил устиди илғиб қолганидан эди. Бироз ўзимга келганимдан сўнг, қўлимдан етаклаб Триградга — бақалоқ Ойша холанингизга олиб берди. У менга турли гиёҳлардан тайёрланган дорилардан ичирди, баланимга қандайдир бабдуў мейларни суртди. Бир ҳафтадан кейин алаҳирамайдиغان бўлдим. Лекин, бувам мени қишлоққа қайтаришга шошилмади. Ойша холага: “Нима қилсанг қиласан, лекин болам эр йигит бўлиши шарт”, деб яна ташлаб кетди.

Бошимга яна бир бола ёғилди: аччиқ овқату қўланса дорилар азобиди қолдим. Ойша холанинг муолажасими ё ёшимнинг улғайишимни сабаб бўлиб, бир неча ойдан сўнг ўзимни бошқача сеза бошладим. Ана шундан кейингина бувам етиб келди.

— Энди уйлантирсам бўлади. Руфатнинг қонини кўмсайвериб, тинкам қуриди, — деди.

— Мени истасангиз уйлантиринг, истасангиз тириклайинг кўмиб ташланг. Аммо, Руфатга тега қўрманг. У билан ўзим ҳисоб-китоб қиламан, — дедим бувамга.

Кўп тортишувлардан сўнг, бувам таслим бўлди. Руфатга кўл кўтармайман, деб онг ичди. Мен Триграднинг ўзидаёқ уйландим. Бу сафар никоҳ кечаси бизиззак ўйнамадик.

Ҳаммаси рисоладагидек бўлди. Ой-кунлар ўтиб, бола ҳам туғилди.

Бувамнинг хурсанд бўлганларини, қувона-қувона кулганларини дадамнинг вафотидан бери кўрмаган эдим. Эварларини қўлларига олиб ростманасига

яйраб қулди... Кейин... орадан уч кун ўтгач, бехосдан қайтиш қилиб берди. Туппа-тузук юрган эди, келиб ўринларига ёнбошлади, жилмайди, қовоқ-қорун учди. Кейин менга тикилиб қаради:

— Худога шукур, Дуришевларнинг зурриёти қуримайдиган бўлди. Даламга бу хайрли хабарни етказай энди. Руфатнинг жонини эса сенинг қўлингга топшириб кетаман...

Шундай дедилару осонгина жон берди.

Ана, мулла Рамадон, елкангизга етарлича юк тушди. Бир қўлда душманнингиз, бир қўлда болангиз ва хотинингиз! Эплай олармикисиз?

Ичига сомон тойланган бўлса ҳам, полиз қоровули тирговичсиз тик туролмайдиган бўлиб қолди. Бошим рўзгор ташвишидан чиқмайди. Эчкиларни ўтлоққа ҳайдаш керак, даламнинг ишлари ҳам менинг зиммамда... Жигарим билан юрагим эса қасосб Руфатнинг қўлларига — истаган кўйига солиди.

Авал боламнинг сал қаттароқ бўлишини кутишга қарор қилдим. Бола кўкракдан ажралиб овқатга ўрганса, Руфатнинг қорнини ёрман... Кейин боламнинг тетапоғу бўлишини кутдим. Бу пайтда Силвина ҳам қўлида бола кўтариб ҳовлига чиқадиган бўлди. Узоқ йўл юриб чарчагандай ҳовлида секин юради. Юзини рўмол билан тўсган. Бироқ, бизнинг ҳовли томонга қараб-қараб қўяди. Мен девордаги туйнуқдан, Руфат эса деразасидан тикилади. Хотиним мени бетиним кузатади. Бахтинга у рашкчи эмас. Нима учун девор яқиндан кетмай қолганимни билса ҳам индамайди. Йиллаб-йиллаб ўзини овуатади.

Кунлар шу зайлда ўта бошлади. Даладан ҳам, яйловдан ҳам оқшом тушмай қайтаман. Бирров бўлса ҳам девордаги тешикдан мўралайман. Силвинани кўрсам кўрдим, бўлмаса тун бўйи Руфатнинг терисини шиламан, бўғаман, захарлайман. Хуллас, ўлдиршининг неча хил тури бўлса, барчасини бажараман. Шунда ҳам кўнглим таскин топмайди. Руфатни ўлдиршга қатъий қарор қиламан. Қўлимга пичоқ ҳам оламан. Аммо, бу ишим учун қамоқхонага тушишим аниқлигини, ундаги девор тешигидан мўралаб Силвинани кўриш мумкин эмаслигини ўйлайман-да, фикримдан қайтаман.

Кунни кун, ойни ой, йилни йил қувиб ўтаверди. Болалар туғилаверди.

Дуришевларнинг авлоди томир ёйиб қўлайди — бувам орзу қилганларидан ҳам зиёдароқ бўлди. Бувамнинг

зурриёт бобидаги ташвишларига энди ҳеч қандай урин қолмади. Руфатнинг ҳовлисини ажратиб турган тахта девор чириди. Лекин, алам эскирмади, қайралган тишлар чиримай қолаверди. Амалга ошмаган орзулар сўнмади.

Руфатнинг қасосблик дўконини ёйиб қўйишди. Дард устига чипқон бўлиб, ёшликдаги таралла-бедоллари, ароққўрлик-лари мева тугли: хасталик унга азоб бера бошлади. У нодон шунда ҳам ақлини йғмай, аксинча, понани пона билан чиқарадилар, деб самогонга ружу қўйди-ю оқибатда кўрпа-тўшакка михланди. Қизи бошқа қишлоқлик йигитга турмушга чиққач, Силвина ногирон Руфат билан ёлғиз қолди. Бир кунги қаттиқ шамол туриб, ўртадаги чиринган тахта девор қулди. Кўп ўйлаб ўтирмай Руфатникига худди ўз уйимга киргандай кириб бордим. Илк марта учувимиз бир ерга тўпландик. Қирқ йил бадаллига кўзларимиз энди тўқнашди.

Мен ҳам Худонинг бир гуноҳдор бандасиман-да, ошнам, шу десангиз шайтоннинг вазасасига берилиб, Руфатнинг кўз олдиди Силвинани бағримга босмоқчи, унинг эса аламдан азоб чекишини томоша қилишни ўйладим. Томдаги мўрини паналаб ётган кечаларим ёдимга тушди. Бироқ: “У ҳайвонлик қилган бўлса, сен одамсан-ку!” — деб вазаса қилаётган шайтонни қувдим.

Энди муносабатларинг қандай, дейсизми? Оббо ошнаме, муносабатимиз ўша-ўша. Руфат ҳаммиша совуқдан қақшагани қақшаган. Ўтин келтирай деса, эшаги йўқ. Силвина қийналмасин, деб ўтинларни мен келтириб, пелларини ҳам ўзим ёқиб бераман. Ҳар кунги бир эшак ўтин келтираман. Барибир етмайди. Урмончилар жарима соламинг, деб гавро кўтаришяпти. Шунинг учун кечаси дарёни кешиб ўтганман. Мени қирқ йил бадалида дам чўг устиди, дам муз устиди ялангоёқ сақлаган бандани иситиш учун жонимни жабборга бераман. Қўлим десам бўлмайди. Силвинага раҳимим келди. Баъзан овқат ейишига ҳам ўзим баъларган-донман. Баъзан, айбга буорсангиз ҳам айтмай, тагларини тозалашга ҳам тўғри келди. Силвина нозик аёл, бунақа ишларга қийналади. Шунинг учун камини Руфатнинг атрофида парвона.

Ҳамқишлоқлар: “Қўшни деган қиройи Рамадондай бўлса”, деб ҳамду сано ўқинади. Бироқ, ҳеч ким ичимдагини билмайди. Ичимда тўғе қўрошин қийнайди. Хотиним ҳам, болаларим, невараларим ҳам кўзимга кўри-нишмайди. Нима бўлса бўлар, дейман. Аммо, Руфат деб бўлиб ётиб олган — худди мени масхара-лаётганга ўхшайди. Ё ўлмайди, ё тузалмайди. Вақт эса ўтапти. Тиззаларимда мадор йўқ, оёқларим титрайпти. Руфат ҳам қийналяпти, биз ҳам. Бечора икки йилдан бери дўзахнинг эшигини таққиллаётди ётибди. Очилди қолса бўлмасмикин бу эшик! Бўғиб ўлдирга қолмай, десам, қўлим бормайди. Бир-икки кун совуққа қўйсам-ку, тайёр бўлади-я. Лекин, Силвинанинг умидвор кўзларига кўзим тўсганга, эшакни етаклаб ўрмонга жўнаганимни ўзим ҳам сезмай қоламан.

Нима қилишни билмай, бошим қотган. Агар фикрингиз ожизлик қилмаса, менга бирор жўяли маслаҳат беринг. Бўлмаса, анави ўтинларни эшагимга ортишиб юборинг. Тезроқ бора қолай, шўрлик жон уйда совуқдан тишлари таққиллаб ётандир.

Тоҳир МАЛИК таржамаси

“**Руфатнинг ҳовлисини ажратиб турган тахта девор чириди. Лекин, алам эскирмади, қайралган тишлар чиримай қолаверди. Амалга ошмаган орзулар сўнмади.**”



ТОКИО ОЛИМПИАДАСИГА ЙЎЛЛАНМА ОЛГАН СПОРТЧИЛАРГА 100 МИЛЛИОН СЎМДАН МУКОФОТ БЕРИЛАДИ

Миллий олимпия қўмитаси 2020 йилда Токио мезбонлик қиладиган Олимпия ўйинларида қатнашиш учун лицензияни қўлга киритган ҳар бир спортчига 100 миллион сўмдан мукофот пули белгиланганини маълум қилди.

Бунгача Индонезиядаги Осиё ўйинларида олтин медалга эга чиққан теннисчимиз Денис Истомин спортчиларимиз ичида биринчи бўлиб Токио Олимпия ўйинлари йўлланмасини қўлга киритганди.

БОКСЧИЛАРИМИЗНИ ЖИДДИЙ СИНОВЛАР КУТМОҚДА

Жорий йилнинг 24 ноябр куни олимпия ўйинлари совриндори бўлган икки профессионал боксчимиз Шаҳрам Ғиёсов, Муроджон Аҳмадалиев ва Исроил Мадримов Нью-Жерси штати Атлантик-Сити шаҳрида жойлашган Mark G. Etes Arenaда рингга кўтарилди.

Шаҳрам Ғиёсов шу куни мексикалик боксчи Мигел Замудиога қарши жанг қилади. Шаҳрам профессионал боксда бор-йўғи 5та жанг ўтказган бўлса-да, уларнинг барчасида галаба қозонди ва 4 маротаба ушбу беллашувларни муддатидан олдин якунлай олди.

Унинг рақибни 27 ёшли Замудио эса профессионал боксда 53 маротаба жанг қилишга улгурган. У ўз фаолиятида 41 маротаба галаба қозонган (25таси нокаут эвазига), 11та жангда эса енгилган (9та нокаут).



Яна битта жангда эса дурангга эришган.

Муроджон Аҳмадалиев навбатдаги жангда ўз камарини ҳимоя қилади. Унга америкалик тажрибали боксчи Исаак Зарате рақиблик қилади.

Муроджон профессионал рингдаги фаолиятини жорий йилнинг март ойида бошлаган ва шу вақтга қадар 4та жанг ўтказиб, уларнинг барчасида зафар қучган. Учтасида нокаут қайд этган.

2011 йили профессионал боксдаги фаолиятини бошлаган Исаак қарийб икки йилдан буён мағлубият нималигини билмай келмоқда.

Хаваскор боксдан профессионал боксга ўтганига қарийб бир ой вақт бўлган Исроил Мадримов дебют жангини мексикалик Виктор Эрнандесга қарши ўтказди. Бу боксчи профессионал рингда 12 жанг ўтказиб, 10 галаба (6 нокаут) ва 2 мағлубият қайд этган.

Табриклаймиз!

“Ўзбектелеком” АК Самарқанд филиали ва филиал касабга уюшмаси кўнмачаси жамоавари филиал директори Мансур АЛИЕВИни кўмулуғ 60 ёши билан табриклайди. Унга узоқ умр, мустаҳкам соғлиқ тилайди.

КОРЕЙСЛАР БИЗГА ЯНА “ДАРС” БЕРИШДИ: ЖАНУБИЙ КОРЕЯ — ЎЗБЕКИСТОН — 4:0

Австралиянинг Брисбен шаҳрида Ўзбекистон миллий терма жамоаси иккинчи ўртоқлик учрашувини ўтказди.

Жанубий Кореяга қарши баҳс олиб борган Эктор Купер шоғирдлари 4:0 ҳисобида мағлуб бўлди.

Ўзбекистон — Жанубий Корея 0:4

Голлар: Нам Таэ Хи (9), Хванг Уи Жо (24), Мун Сон Мин (70), Сук Хюн Жин (81)

Ушбу ўйинга қадар Ўзбекистон МТЖ Жанубий Корея терма жамоаси билан жами 15та учрашув ўтказган. Шулардан 1тасида Ўзбекистон галаба қозонган бўлса, 10та учрашувда Жанубий Кореянинг кўли баланд келган, тўртта ўйин дуранг билан якунига етган.

Эслатиб ўтамиз, Австралия йигини доирасида дастлабки ўйинда Ливан билан 0:0 ҳисобида дуранг қайд этилган эди.



ЎЗБЕКИСТОН ОЛИМПИА ТЕРМА ЖАМОАСИ “DUBAI CUP” ТУРНИРИ ҒОЛИБИ БЎЛДИ

Ўзбекистон олимпия терма жамоаси “Dubai cup” мусобақасининг сўнгги турида Кувайтга қарши майдонга тушди ва 1:0 ҳисобида галаба қозонди. Ягона гол 27 дақиқада Миржаҳон Мираҳмадов томонидан киритилди.

Мазкур галаба вакилларимизга гуруҳда биринчи ўринни қўлга киритиш имконини берди. Сабаби Япония терма жамоаси 3-турда БААга қарши ўйинда 1:1 ҳисобида дуранг қайд этди. Учта ўйинда 2та дуранг ва битта галаба қозонган японияликларнинг очколари сони 5тага етди.

Ўзбекистон олимпия терма жамоаси эса Япония билан 2:2 ҳисобида дурангга эришиб, БААни 2:0, Кувайтни эса 1:0 ҳисобида мағлубиятга учратган ҳолда 7 очко тўплади ва “Dubai cup” халқаро мусобақасининг ғолибига айланди.



РАВШАН ЭРМАТОВ ХИТОЙ КУБОГИ ФИНАЛИНИ БОШҚАРАДИ

Ўзбекистонлик ҳакамлар мунтазам равишда халқаро мусобақалар ва ўртоқлик учрашувларини бошқаришга жалб қилиниб келинапти.

Ушбу ҳафтада Японияда бўлиб ўтган Япония — Қирғизистон ўртоқлик учрашувини ўзбекистонлик Илгиз Танташев бошқариб борди. Унга қанотларда Абдуҳамидулло Расулов ва Жаҳонгир Расулов ёрдам беришди. Тўртинчи ҳакам сифатида Равшан Эрматов ҳаракат қилди. Учрашувда ҳисоб Япония фойдасига 4:0 бўлди.

Шунингдек, Равшан Эрматов Хитой Кубоги финалини бошқариши ҳам маълум бўлди. Унга қанотларда Абдуҳамидулло Расулов ва Жаҳонгир Расулов ёрдам беришади. Финал ўйини 25 ноябр куни “Бэйцзин Гоан” ва “Шандун Лунэн” жамоалари ўртасида бўлиб ўтади.

ТАЭКВОНДОЧИЛАРИМИЗ ЖАҲОН КУБОГИДА ИШТИРОК ЭТИШАДИ

Ўзбекистон таэквондо терма жамоаси 22-23 ноябр кунлари бўлиб ўтадиган Якуний Гран-Прида иштирок этишади. Унда Дмитрий Шокин, Никита Рафалович ва Нигора Турсунқулова каби спортчиларимиз қатнашишади.

24-25 ноябр кунлари эса Фужайраининг ўзида жамоалар ўртасида жаҳон кубоги ташкил қилинади.

Мазкур мусобақада ўзбекистонлик спортчилар ҳам қатнашадилар. Баҳсларда юртимиз шарафини қуйидаги спортчилар ҳимоя қилишади: Максим Рафалович, Ҳожинакбар Зокиров, Зухриддин Хонимқулов, Шаҳбоз Тусматов (Захира таркиби: Дмитрий Шокин, Сухроб Бобобеков, Ниёз Пулатов).



ПАКЯО ПРЕЗИДЕНТЛИК САЙЛОВИДА ҚАТНАШАДИМИ?

Саккиз вазн тоифасида собиқ жаҳон чемпиони Мэнни Пақяо Филиппин президентлиги сайловида иштирок этадими, деган саволга жавоб берди.

Ҳозирда Пақяо мамлакат парламентида сенатор бўлиб ишлаяпти ва унинг ваколати 2022 йилда якунига етади.

“Ҳозирча сенаторлик билан чекланипман. Лекин президентлик сайловида иштирок этаманми, йўқми, бу ҳақда аниқ фикр билдира олмайман. Айни пайтда бу борала аниқ режам йўқ. Ҳар қандай ҳолатда ҳам мамлакат ривожини учун ҳисса қўшаётганимдан хурсандман. Ҳали боксдан кетиш ниятим йўқ. Тез орада Бронерга қарши жангда чемпионлик камарини ҳимоя қиламан. Бор эътиборим бўлажак жанг тайёргарлигига қаратилган”, — деди Пақяо.

Эслатиб ўтамиз, Мэнни Пақяо ҳозирда ярим ўрта вазн тоифасида WBA Regular чемпионлик камари соҳибни бўлиб турибди.



РУҲИЙ ВА МАЪНАВИЙ МАДАД



Конституциямизда муҳрлаб қўйилган мақсад ва принциплар

1992 йил 8 декабр – Бош қомусимиз қабул қилинган кун. Ўзининг мустақил биринчи Конституциясини қабул қилиш билан Ўзбекистон бутун дунёга инсон ҳуқуқларининг муқаддаслиги ва давлат суверенитети гоёларига содиқлигини расман эълон қилди. Шу дақиқадан эътиборан халқимизнинг ўз тақдирини ўзи белгилаши, ўз миллий бойликларига ўзи эгалик қилиши асосий қонунда муҳрлаб қўйилди.

Ўзбек халқи мураккаб глобаллашув шароитида дунё аҳли билан баравар қадам ташлашга қодир миллатга айланди.

Конституциямиз энг ривожланган демократик давлатларнинг тарихий тажрибаси ва жаҳон конституциявий амалиётига таянган ҳолда яратилди. Асосий қонунимиз БМТ ҳужжатларига, инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясига, халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган принцип нормаларига асосланган. У халқимизнинг истиқлол ва озодлик учун олиб борган машаққатли кураши натижаси, миллий манфаатларимиз ва интилишларимизга асосланган ва халқаро ҳуқуқ нормалари билан қиёсланган муҳим манбадир. Дарҳақиқат, бош қонуни миз халқимизнинг келажака, ёруғ кунлар келишига бўлган ишончини мустаҳкамлади, уни эзгу мақсадлар теъдидида бир жон-бир тан қилиб бирлаштирди, синовлардан ўтишида руҳий ва маънавий мадад бўлди.

Инсон ҳақида гамхўрлик, унинг қонуний мафаатларини ҳимоя қилиш, ҳуқуқларини таъминлаш асосий тамойил ҳисобланади. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда бевоси-

та аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга қаратилган юздан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. “Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонун шудар жумласидан.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 45-моддасида “Вояга етмаганлар, меҳнатга лаёқатсизлар ва ёлғиз кексаларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясидадир”, дея ижтимоий таъминотга муҳтож қатлам бевосита ва билвосита ҳукуматимиз ҳимоясида эканлиги кўрсатилган. Жумладан, “Кексалар, ногиронлар ва аҳолининг бошқа ижтимоий эҳтиёжманд тоифалари учун ижтимоий хизматлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни кекса ёшдаги фуқароларимизни давлат томонидан ижтимоий қўллаб-қувватлашнинг миллий модели шаклланишига асос солди.

Шунингдек, қонун аҳолига ижтимоий хизматлар кўрсатиш жараёнини тартибга солибгина қолмай, балки уларнинг амалга оширилиши иж-

тимоий ҳимояга муҳтож шахсларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолатига, умуман, мамлакатнинг янада ривожланишига кўрсатилган таъсирининг таҳлил қилинишини ҳам таъминлайди. “Ўзбекистон фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш “Нуроний” жамғармаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ва “Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент фармонлари мазкур йўналишдаги ислохотларни, эзгу амалларни янада юқори поғонага кўтарди.

Мамлакатимизда иқтисодий барқарор ва динамик равишда ривожлантиришга таянган кучли ижтимоий сиёсат натижасида аҳоли фаровонлиги ўси, одамларнинг турмуш сифати яхшиланди ва бу, ўз навбатида, ўртача умр кўриш давомийлиги ва аҳоли структурасида кекса ёшдаги одамлар улушининг ошишига асос бўлди.

Давлат ижтимоий соҳани ривожлантиришга, шу жумладан, аҳолининг турли гуруҳларини ижтимоий ҳимоя қилишга, болаларни, кексаларни, ногиронларни қўллаб-қувватловчи ижтимоий соҳа муассасаларини моддий-техник

жиҳатдан таъминлашга бюджетнинг қарийб 60 фоизини ажратмоқда. Истиқлол йилларида туғилиб, хурлик ҳавосидан баҳра олиб ўсган авлод камолга етди. Энди ўзбек халқи мураккаб глобаллашув шароитида дунё аҳли билан баравар қадам ташлашга қодир миллатга айланди. Натижада Ўзбекистоннинг жаҳон миқёсида нуфузи орди, шон-шуврати юксалди, мустақилликнинг сиёсий ва иқтисодий негизи мустаҳкамланди.

Мухтасар айтганда, улкан меҳнатлар, машаққатлар эъзига яратилган Бош қомусимиз умрбод нафақат демократик тараққиётимизнинг кафолати, балки ижтимоий ҳаётимизда содир бўлаётган улкан ўзгаришларнинг ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилади. Негаки, унинг бош гоёиси инсонпарварлик, фуқароларнинг озод мамлакатда эркин ва фаровон ҳаёт кечиришлари учун шарт-шароит яратишдан иборатдир.

Нўмон АКБАРОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,
Инновацион ривожланиш, ахборот сиёсати ва ахборот технологиялари масалалари қўмитаси аъзоси

ТАДБИР

АСКАРЛАРГА КОНСТИТУЦИЯ ҲАҚИДА СЎЗЛАБ БЕРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси ҳарбий прокуратураси Зангиота тумани ҳокимлиги билан ҳамкорликда Махсус авария-тиклаш бошқармаси (15361-ҳарбий қисм)да Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 26 йиллиги муносабати билан “Конституция – демократик ҳуқуқий давлат барпо этишининг муҳим пойдевори” мавзuida, шунингдек, 2018 йил 5 мартдаги “Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаш-

тириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент фармони ижросини таъминлаш мақсадида тадбир ўтказди. Унда Ўзбекистон Республикаси ҳарбий прокуратураси, Зангиота тумани ҳокимлиги мутасаддилари, Тошкент вилояти тасқвондо ITF ассоциацияси раиси Иброҳим Асомов ҳамда халқаро спорт устаси Муҳаммадjon Аҳмаджоновлар иштирок этди.

Тадбирнинг биринчи қисмида Ўзбекистон Республикаси ҳарбий прокурорининг ёрдамчиси адлия

капитани Гулчехра Турсунова Конституциянинг қабул қилиниши тарихи, давлатимиз тараққиётида тутган ўрни ва аҳамияти, унга киритилган ўзгариш ва қўшимчаларнинг мазмун-моҳияти ҳақида маълумотлар бериб, уларни ҳаётгий мисоллар билан асослаб берди.

Шундан сўнг Зангиота тумани маънавият ва маърифат маркази раҳбари Нигора Холходжаева ҳамда Зангиота тумани ҳокимлигининг жисмоний тарбия ва спорт бўлими бошлиғи Рустам Раҳматов мамла-

катимизда амалга оширилаётган ислохотлар, Конституция, ҳуқуқий жамият, спортчиларимизнинг қўлга киритган ютуқлари ҳақида сўз юритишди.

Бошқарманинг “Импульс” ҳарбий ансамбли ижросидаги ҳарбий-ватанпарварлик руҳидаги қўшиқлар иштирокчиларга ўзгача завқ улашди.

Абдуқодир ОТАБОВЕВ,
МАТБ маданий ҳордиқ ишлари бўйича катта офицер – клуб бошлиғи

<p>МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ</p> <p>Бош муҳаррир вазифасини вақтинча бажарувчи: Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ</p>	<p>ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Шухрат СОДИҚОВ (Ҳайъат раиси), Назиржон ҲАСАНОВ, Евгений БИРГЕР, Тўлқин ТЕШАБОВЕВ, Лутфилло ТУРСУНОВ (масъул котиб).</p>		<p>МАНЗИЛИМИЗ: 100105, Тошкент, Толлимаржон кўчаси, 6-уй. Тел.: 291-43-92, 291-43-28, 291-43-61, 291-43-78 Факс: 291-43-70. E-mail: info@xabar.uz</p>									
	<p>Тахририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди. Муаллифларнинг фикрлари тахририят фикридан фарқланishi мумкин. Нашримиздан кўчириб босилганда “Xabar”дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.</p> <p>Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади. Баҳоиси келишилган нарҳда.</p>		<p>Газета тахририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. Дизайнер: Аслиддин БЎРИЕВ. Навбатчи: Муборак МИРКАМОЛОВА.</p>									
<p>Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0016 рақами билан 2013 йил 23 июлда рўйхатга олинган.</p>	<p>Газета ҳафтанинг жума куни чиқади</p>	<p>“Шарқ” наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Манзил: Тошкент шаҳри, “Буюк Турон” кўчаси, 41-уй.</p>	<p>G-1143 сонли буюртма. Офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табоқ. Адади: 2790 нуска.</p>	<p>ISSN 2010-6424 Босишга топширилди — 20.00. Босишга топширилиши вақти — 24.00.</p>								
<p>Вилоят муҳбирлари:</p>	<p>Андижонда 226-47-80</p>	<p>Бухорода (0365)600-87-21</p>	<p>Жиззахда (94) 199-95-64</p>	<p>Наманганда (91) 353-71-25</p>	<p>Навоийда 225-91-10</p>	<p>Нукусда 554-35-45</p>	<p>Самарқандда (91)557-84-44</p>	<p>Термизда (91)235-88-68</p>	<p>Тошкентда 291-43-28</p>	<p>Урганчда (97) 211-65-05</p>	<p>Фарғонада 244-18-05</p>	<p>Қаршида (93)931-08-99</p>